



### БОШЛОНГУЧ ЙЎСУНИДА БИР-ИККИ СЎЗ

Самарканднинг табиий кўруниши, тарихий ахволи ва эски асарларнинг баёнида бўлгон форсча «Самария» кито-би хижрий 1260-1265 (1844-1848) йиллари о ролла р ид а ёзилгондур. Мунинг ёзгучиси самарканддик кози Абу Саъидхожанинг ўгли муфтий Абу Тохирхожа бўлуб, Самарканд фазл эгаларининг кейинги бўгунларидан саналар эди. Ушбу китоб ёш ёзгучиларимиздан бўлгон тарих ва осори атикачи мархум Абд ул-Мўмин Сатторий томонидан 1921 йилда ўзбекчага ўгурулган ва бир бўлаги «Инкилоб» журнали оркали торколгон бўлса хам коломиси окортурул-майин мусаввада холича колгон эди. Ўзбекистон маориф комиссарлиги олдидаги илмий марказнинг ўзбек комитаси ушбу китобнинг ахамиятини ўлчаб ворисларидан сотиб олди ва кайта бошдан ишлаб чиқишни менга буюрди. Мен кўлумга тушган форсча босилгон «Самария» нусхаси билан Сатторий таржумасини солиштириб кўрдум, аслига мос келмаган ерларини тузатдим. Сатторий томонидан кўшилгон маълумотларни ўз имзоси билан хошияга кўчурдим. Сатторий таржумасида бўлуб меним кўлумдаги « Самария » да бўлмагон, лекин «Самария»нинг бошка бирон нусхасидан олингони билинуб тургон маълумотларни икки ёй чизгиси (хатти кавсайд) аросида олиб ўз ерида колдурдим. Китобнинг асл мафхумини онглатишга зарар келтурмайтургон ерларда Сатторий услубидан бир намуна бўлсун деб онинг таъбирларини бузмадим.

Китобнинг аслида ва Сатторий томонидан кўшилгон маълумотлар ва изохга мўхтож кўринган нарсаларни хошияда изох килдим. Кўлимдаги санадларга кўра ёнглиш гумон килгонларимни далил кўрсатиб хошияда ислох килдим ва баъзи ерларда ўз мутолаа ва мулохазаларимни хам кайд этдим. Бу ишларнинг натижасида китобнинг аслига кўра эллик фойизга якин бир нарса хошияда ёзилди.

### "САМАРИЯ"НИНГ АХАМИЯТИ

Ўрта Осиёнинг бир вақтлар кўбчилик мусулмон Осиёсининг маданияти ва саёсат маркази бўлуб ўтган ва чиндан «Самарканди фирдавсмонанд» сифатига арзийтургон

бир йўсинда безанган Самарканд кейинги замонларда бузулб курук бир чўлра айланган эди. Монгит амирларининг биринчиси бўлгон Рахимхон Самарканд музофотини кўлга киргузамен деб келганда (х.1166/1752) йил бошларида) Самарканд шахрида жон эгаси йўк эди, хатто Работа Хожабандий тўғони бузулгон ва Самарканд сувдан махрум колгон эди. Рахимхон ушбу сафарида (х.1166 й. жумод ас-соний ойинда) Работа Хожабандийни тузатиб Самаркандга сув окизгон бўлса хам одам йўклигидан обод бўлмади. Самаканднинг хозирдаги ободонлиги х.1195/1780 йили, яъни Шомуродбийнинг беклигидан бошлонгон бўлуб, 1215/ 1809 йилда, яъни Шомурод хукуматанинг охирги йилида бир шахар йусунига киргузилди. Ушбу йилда Шомурод Самарканд шахрида 24 гузар (махалла) бино килиб Ўратепа, Ховас, Зомин ва бошка ёклардан кўчурулуб кетарилган (Ок уйли7 этилган) кшпиларни шу гузарларда ўрнашдурди. Самарканд Чорсусидаги ток, Пойкавок, Шохизинда, Каландархона ва Сўзангарон дарвозалари ушбу тарихда иморат килиндилар. (Кейинги вокиа Хамулий тарихидан олинди). «Самария» эгаси Абу Тохирхожа мана шундай харобалик натижасинда бузулб йўколаёзган эски асарларни ва кабр тошларини текшириб ва суриштириб ушбу китобни ёзгон. Агар бу одам шунча гайрат килмагон бўлса эди, яна кўб эски асарлардан бизга маълумот еташмас эди. Демак, Абу Тохирхожа биз учун жуда кимматли бир ёдгор колдиргон экан. Мана шундай бир китоб, албатта, мухим бўлса керак.

САДРИДДИН АЙНИЙ 29 март, 1926 йил, Самарканд

## **МУКАДДИМА ШАФКАТЛИ ВА МАРХАМАТЛИ ТАНГРИ НОМИ БИЛАН!**

Дунё Эгаси Тангрига хамд ва хар бир нарсани окибат пархезкор ва такводорлар унинг (тангрининг) яхши халки Мухаммад ва унинг авлод хамда асхобларига салот ва саломлар бўлсин. Сўнг фазилатли ва етукликни касб эттан эзгуликлар мажмаи ва яхшиликларнинг манбаи, яъни аклий ва наклий илмлар мушкилларини хал этувчи ва ханифий мазхабига зиё багишловчи чирोगи мўъжаз, ва мухтасар бўлганлар тафсилотни атрофлича англатувчи, кам ахамиятли ишларни хуттом берувчи, касида ва газаллар жавохиротининг саррофи, назм ва иншода ягона, Пайгамбар авлодининг хулосаси ва таъриф -тавсифини баён килишга хожати йўк [мулло] Мир Абу Тохирхожа Самаркандийнинг таълифотидандир. Ушбу китоб Самарканд шахрининг бино килиниши бу от [Самарканд] деб аталишининг сабаби, хавосининг хосияти, ерининг тузилиши, тоглари, горлари, булоклари, масжид ва мадрасалари, кабр ва мозорлари аломатлариини белгилаш баёнидадир. Бу китобга «Самария» от кўйилди, тангрининг ёрдами билан ва унга таваккул килиб, эй азиз. Самарканд бешинчи иклимдан, эски бир шахардир, ду-нёнинг обод бўлагининг бир чеккасида жойлашган. Турли тоифадан бўлган эл ва улус унинг атроф-теварагида жойлашган. Шунинг учун ушбу шахар бузгунчилик ва харобаликларнинг ўрни бўлган.

Бу Фирдавсмонанд Самарканд вилоятанинг мазорлари-ни билдирмак учун «Кандия» китобининг муаллифи томонидан мазкур китобда зикр килинган аломат ва нишонлар кейинги вақтларда йўқолган, сагана тошларидаги лавхалар ҳам нобуд бўлган. Камина бузруклар мухлиси мулло Абу Тохирхожа Самаркандий — тангри каломининг нуктасанжи ва ирфон дарёсининг гаввоси, саёдат сарлавхасининг дебочаси ва саодатли номи билан аталган Самарканд вилоятининг кози калони мулло Мир Абусаъидхожанинг ўгли, у хожанинг нишонларини бир талай суриштиришлардан сўнгра, мазор ва қабр аломатлариини белгилаб, уларнинг бўсогалари тупрогини кўзимга суртиб, у ернинг аломат ва нишонларини бу китобда баён қилмоқчи бўлдим. Уларнинг таржимайи холлари ва даражаларини билганимча мазор ва қабрларни кўрсатган чоғда ёзарман, шоядхм уларнинг мазорларини зиёрат қилувчилар ўзининг оқибатли иши тўғрисида хайратда қолган менинг ҳақимга дуои хайр қилгайлар.

Ушбу китоб 11 бобин [уз] ичига олгандир

1-боб: бу шаҳарниинг Самарканд аталиши тўғрисида. 2-боб: бу шаҳарнинг иморатини бошлаб қим ясагани ҳақида.

3-боб: тўрт фасдда бу шаҳар хавосининг хосиятлари хусусида.

4-боб; ерининг тур иши ва теварагининг қуриниши жугрофий холи] тўғрисида.

5-боб: бу шаҳарнинг теварагидаги тоғлар баёнида.

6-боб: бу шаҳарнинг теварагидаги ариқлар ва булоқлар баёнида.

7-боб: бу шаҳарнинг теварагидаги горлар ва чуқурликлар тўғрисида.

8-боб: масжид ва мадрасалари ҳақида.

9-боб: шаҳар ва унинг теварақларидаги қабр ва мазорларнинг аломат ва нишонлари тўғрисида.

10-боб: қабр ахллариининг зиёрат йўллари.

11-боб: қабристон элидан олиндиган ибрат ва дўстларга ўгут.

## **1-БОБ. БУ ШАҲАРНИНГ Самарканд АТАЛИШИ ТЎҒРИСИДА**

Самарканд шаҳрининг «Самарканд» аталиши тўғрисида бир неча сабаб айтганлар: Биринчи [сабаб]: «Бурхони қотеъ» китобида нақл қилинганким, Самар исмлиқ бир киши бу ерда жойлашган ва ўз теварагига халқни тўплаган эди. Шунинг учун бу ер бошда «Самаркент» атадди. Араб қўшини бу ерни олғач, ўз тилла-рига ўзгартириб «Самарканд» дедилар.

Иккинчи [сабаб]: «Масолик ул-мамолик» номли китобда нақл қилингандурким, Самар боқир исмлиқ бир хон Фаргона ва Қошғар томонларидан қелиб, бу вилоят халқига душманлик юзасидан шаҳарнинг деворларини қазиб бузган эди. Шунинг учун бу шаҳар

«Самар казди» маъносида бўлган. Форсча «Самарканд» оталди. Араб кўшини бу шаҳарни олгандан кейин «Самарканд» отадилар.

Учинчи [сабаб]: «Тарихи Табарий» китобида келтирилгандирким, Самар отлик бир хон ушбу шаҳарни солдирди [бино килдирди], энг аввал «канд» деган турк аймаги бунда ўрнашиб ўлтирди. Шунинг учун бу шаҳар бошлаб «Самарканд» оталди. Араб кўшини бу шаҳарни олгандан кейин «Самарканд» дедилар.

Тўртинчи [сабаб]: ушбу шаҳарниг бир ерида «Самар» деган биров томонидан казилган бир булок, бор эди. Улус ўшал булок теварагига йигилиб ўрнашган эдилар. Шу сабабдан у ўриннинг оти «Самарканд» деб шухрат чикарди. Араблар келгач, «Самарканд» дедилар.

«Хафт иклим» китобида айтилганки, Яман Туббаъи маликларидан Самар исмлик бир киши ушбу шаҳарнинг деворини бузди. Араблар келгандан кейин «Самарканд» дедилар ва яна Тангрн Таоло яхши билади.

Хотима: ушбу вилоят элига одоб ўргатиш ва ушбу ки-тобга муносиб баъзи маълумот. Тангри муваффақ ва ёрдам этувчидир.

## **2-БОБ. БУ ШАҲАРНИНГ КЎРГОНИ БОШЛАБ КИМНИНГ ТОМОНИДАН СОЛИНГАНИ ТЎГРИСИДА**

«Осор ул-билод» китобидаб накл килингандирким, Самарканд кўргонини бошлаб Кайкубод ўгли Кайковус солдирди. Бу шаҳарнинг биринчи иморати Кайковусдандир. Айтадиларким, Киршосиб шу ердан ўтаётганда бир талай олтин топди. Шу олтинлардаи ушбу кўргоннинг иморатига харж килди ва иккинчи марта Туркистон билан Мовароуннахр орасида девор тортди. ((Лекин)) тўгри ривоят шулким, у деворни Лухросиб ўгли Куштосиб тортган.

Самаркаид кўргонининг иккинчи иморати, биринчи малики Туббаъдандир. Малик Туббаъ Яман ва Арабистон подшоларидан бўлиб, ушбу шаҳарни олган эди.

Учинчи иморати малик Искандардандир. Малик Искандар Самарканд кўргонининг теварагида айри бир девор курди; у деворни хозирда «Девори киёмат» дейдилар. Малик Искандер бу деворни шунинг учун солдирдиким, фнтна ва уруш чоғларида теварагидаги эл ичкарига йигилишиб, шаҳар халки билан биргалашиб, юртни кўриклашиб, ўз тинчликларини саклай олсинлар. Баъзи замонларда Искандар девори ичра эл томонидан бог ва ховлилар солиниб обод килингандир.

Тўртинчи иморат, Амир Темур Кўрагон томонидандир. Накл киладиларким, Фаридун ўз мамлакати уч ўглига бўлиб берганда, Хиндистонни Салмга, Туронни Турга, Эронни Эражга топшириб, Тур билан Эраж юртларининг аросида хозир Аму дарёси аталган, Жайхуи дарёсини чегара деб тайинлади. Тур учун пойтахт бўлгудай бир калъа солиб бермокчи бўлиб, муносиб ўрин излаб юрганида Самарканд шаҳри бўлган ерда девор изи ва кўргон асари кўзига кўриниб, унинг устига янгидан девор курдирди. Турк Афросиёб Эраж ўгли Минучехрни енгиб, Турон юртини ўз кўлига киргизганда ўша Турнинг пойтахти бўлган ўринни иморат килиб, унда ўринлашди.

Самарканд кўргони Хорис ўгли Самар томонидан иморат килингандир деб хам баъзи

тарих китобларида ёзилгандир.

### 3-БОБ. ТҶРТ ФАСЛДА БУ ШАХАРНИНГ ХАВОСИ

Бу шаҳарнинг хавоси яхши ва ўртачадир. Сира огирлик ва касалликка сабаб бўлмас, баҳор фаслида бу шаҳар гўзалликда учмокнинг бир намунаси бўлур. Шунинг учун «Самарканди фирдавсмонанд», яъни жаннатга ўхшаш Самарканд дейдилар. Хар даштининг юзидан жаннат кўринадир ва хар дала парчасидан Эрам боги билинадир. Хар тоғнинг этагида минг турлик гуллар тўфони кайнамокда ва хар сахронинг бурчагида кўкарган юз тур сабза ва райхонлар ўз кўйинларидан беҳишт боғларини кўрсатмокда. Ёз фаслида бу шаҳарнинг хавоси иссик, совукликда ўртачадир. Хар томондан кўп гул очатирган еллар ва фарах ортиратирган хаволар эсиб рухга рохат багишлайди ва жонни тоза килади. Куз фаслида бу шаҳарнинг хавоси бир оз совукок бўлади. Шарк томонидаги тоғдан неча кунда бир каттик ел эсадир. Бу шаҳарнинг киш фасли кўпинча совукок бўлар, баъзи йилларда кор уч каричгача ёгади. Бу ерга келган мусофир кувонадир.

Лекин шаҳарнинг халки каттик хулкли, гала-гулочи ва лофчидир. Теварагидаги турклар ботир, ўктам ва урушкокдирлар.

Бу шаҳарда мевалардан: ковун, тарвуз, олма, ўрик, шафтолу, бухоро олуси, олиболу, гурдаолу, анжир, гилос, муруд, ношпоти, нок, дилафрўз, беҳи, ёнгок, бир неча турлик узум, дўлона ва бошка турлик мевалар кўп ва хар хил сифат билан етишадирлар.

Хуш ислик яшилликлардан: болингу (бодрингнинг бир тури), занжабил, кизил каланфур (каланфул), кашнич, шибит, райхон (нозбўй), бодиён, рум бодиёни, зира, пардаи арўсак (падарарўсак) ва бошкалар ўсадир. Ховлилар ва боғларда экилиб етиштириладиган хуш исли гуллардан: кизил гул, (вард хам дерлар), гули настарин (гули настаран), гули насрин, аргувон, лолаи нўъмон, кўк, кизил ва ок бинафша, кизил, ок, нофармон ва кўк гули Кошгарий, сарик ва ок нофармон ва кўк гули Довудий, кизил ва ок гули чиний, ок, кизил ва нофармон гули шаббўй, кизил, ок ва сарик гули нозирий, харам, савсан, гули раъно, гули зебо, якбарг ва садбарг, ок ва кизил гули раъно, гули хинойи, ок, кизил ва кора гули хайрий, ок ва кизил гули тугма, гули бўстон афрўз, гули хамиша баҳор, ошики печон [чирмовук севгучи], ошик мискиний, гули арвугон, зулфи хубон, гули нофармон, гули жаъфарий ва ўзга яхши кўриклик ва кўнгул очар гуллар етишиб очиладир.

Дорилардан: косний (косаи най), шотара, баранжосиф, гавзабон (хўкиз тили), атри хилол, исфонох", игир, шайтарж (шийтарж), совринжо, бодинжон (бойимжон), окир каро, пудина (ялпис ва хулбўй), жувоний, хорхасак (хори гелак, хори гелон, хори магелон), кабар (кавар), испанд (хазориспанд — тутатки, исирик), кипичи, мухласа (мухалиса), суринжон, муасфар (кочира), баклат, улхамко, ит узуми, унноб (чилон) бу шаҳарнинг еридан ва теварагидан етишади.

Галла ва дуккакдилардан: бугдой, арпа, жугори (жувори), тарик, кўнок, шоли (гурунчдона), зигир, кунжит, мош, нахўд, лўбиё (лўбло), индав, бурчок ва бангдона ўсади. Аммо пахтани бу вилоятда оз экадилар.

Ош ватаомни ислох килувчилардан: сабзи (кашир), пиёз, шалгам, карам, турп ва лаблабу

бу шахарда яхши етишади. Кўкнор, тамаки, канобдона ҳам ўсади.

#### **4-БОБ. ЕРИНИНГ ТУРИШИ ВА ТЕВАРАГИНИНГ КЎРИНИШИ**

(жугрофий холи) тўгрисида

Самарканд даласининг шарк, шимол ва жануб томонлари юксак тоғлар билан куршолган бўлиб, гарб томони очик майдондир. Зарафшонким уни Кўхак ва Харомком дарёси дейдилар; кунчиқар томонидан кунботар сари бу вилоят даласининг ўртасидан окиб ўтади ва бу вилоят ерини иккига бўлади. Дарёнинг жануб томонидаги ярим бўлак бошдан оёк тепалик ва даштлик бўлиб, жануб тоғига бориб такалади. Шимолдаги ярим бўлак пастлик ва сувлоқдир.

Самарканд шахрининг кўргони дарёнинг жануб томо-нидадир. Самаркауд шахрининг ташкарисидаги ерлар ўрни эътибори билан иккига бўлинади: кунботар томонидагн ярим бўлагинн Анхор тумани ва кунчиқар томонидагисини Шов-дор тумани дейдилар.

Дарёнинг шимол томонидаги ерлар ҳам икки бўлакдир: Биринчиси сувлок, иккинчиси даштлик. Сувлок бўлаги бошдан оёк Кўхак дарёсига туташ бўлиб, у ҳам иккига бўлинади: кунчиқардаги бўлакини Сугуди калон тумани ва кунботардаги ярмисини Офаринкент тумани деб атайдилар. Даштлик ва сувсиз бўлаги Кобут тумани деб аталади ва бу даштлик бўлак бошдан оёк шимол тоғига ёндошдир,

Самаркандда Амир Темур кўрагон солдирган боғлар-ким, Эрам гулистони рашк килар даражада, еттита экан:

Биринчиси Боги шимол — Самарканднинг шимолида, Дтвори киёмат ичида, иккинчиси Боги баланд. Бу ҳам шимол томонда. Учинчиси Боги бихишт, тўртинчиси Боги чинор. Бу икки бог шахарнинг кунчиқар томонида. Бешин-чиси Боги дилкушо бўлиб, Конирилнинг жануб томонида. Конирил Кўхак дарёсининг ёкасида, Самарканднинг энг гўзал ва чиройлик еридир.

Олтинчи: Боги зогон. Шовдор туманининг шимол тарафида вокеъдир.

Еттинчи: Боги жа-хоннумо. Анхор туманида бўлиб, тоғ этагига якин ерда, Самарканднинг жанубида бино килингандир.

#### **5-БОБ. БУ ШАХАРНИНГ ТЕВАРАГИДАГИ ТОГЛАР БАЁНИДА**

Жануб томонидаги тоғлар жуда обод бўлиб, унда дарахтлар кўп ўсади. Мевалардан: олма, pista, олу, дўлана, узум ва ёнгок у тоғда кўпдир. Ўсимликлардан: лола, ривоч, гарафш, ябруж (пиёзи ансул/ансур), гўрдиё ва эгир бу тоғда топилади. Хайвонлардан: дўнгуз, айик, бўри, тулки, товушкон, жайра ва шогол бор. Ов кушларидан: кабки дарий (каклик), булдурук — корабагир, (кабки хилол) ушбу тоғда кўпдир. Бунда маъдан, ва кон нарсаларининг борлиги белгили эмас. Лекин ушбу тоғнинг кунботарида олтин ва кумуш

билан шуваганга ўхшаш яркирайдиган бир турли тош бор. Ундан ҳеч нима ажратиб олиб бўлмас. Уни чакмок тошнинг жинсидан дейдилар. Бу тоғнииг ажойибидан бир булок бордирким, суви киш вақтида жуда кайнок бўлиб, саратон ойида бошдан оёк музлайди. Кунчиқар томондаги тоғ ҳам ободдир. Жанубий тоғ билан шарқий тоғ ораларидан Зарафшон дарёси оқиб чиқади.

Дарёнинг ҳар иккала ёқасида халқ уй ва жой қилиб ўлтирганлар. Бу тоғ эли жуда жанжалчи ва лофчи бўлиб, қиёфалари чиройлидир. Жанубий тоғдаги хайвонлар, дарахтлар ва гиёҳлар бу тоғда ҳам топилади. Кунчиқар тоғининг устида, (унинг) ўртабелида, Искандар қўли деб аталган бир қўл бор. Зарафшон дарёсининг бир манбаъи ушбу қўл бўлиб, тевараги бир тошдир. Кунчиқар тоғида қийик, бўғун (гавазн — тоғ сигири), юз (қийикни овлайдиган бир йирткич хайвон)кўпдир.

Бу вилоятнинг шимол томонидаги тоғ Худдин оталади, (шу муносабат биланким) ислом дини тарқалаётганда бу тоғ эли ўз майллари билан мусулмон бўлганлар. Тотор кофирлари жанжалида ушбу тоғ теварагига кўргои солиб улар билан урушганлар. Шунинг учун Сугуди қалон ва бу тоғ теварагидаги ерлар ушрий бўлган, яъни мусулмон хонлари бу ерларнинг унумидан ўндан бир улуш солиқ олганлар. Бу тоғларда булоқлар, қўнғил очар жойлар ва роҳат орттирадиган ўринлар кўпдир. Иксир деган бир гиёҳ ҳам бу тоғларда бор. Агар биров ушбу гиёҳни топиб ўзи билан олиб юрса, қабр-лардаги руҳлар билан гаплашмаги муяссар бўлур эмиш.

Қўҳак тоғи Самарқанд шаҳри ва Зарафшон дарёси ора-сида, шаҳарнинг шимолий томонидадир. Ушбу тоғда дарахтлар ва булоқлар бор. Қўқлам палласида ушбу тоғда ва унинг яқинидаги боғларда лолайи, раъноийи, қизил ва қўқ бунафша қўқаради. Гаж қони ҳам ушбу тоғда топилади. Қумуш, мис ва кўргошин қони бор бўлса ҳам, қирими қикимиға етишмайди деганлар.

## **6-БОБ. БУ ШАҲАРНИНГ ТЕВАРАГИДАГИ АРИҚЛАР ВА БУЛОҚЛАР БАЁНИДА**

Зарафшон дарёсиким, уни Қўҳак дарёси деб юритади-лар, бошлаб кунчиқар тоғларидан чиқиб, унга Искандар булоғи — Искандар қўлининг суви ва Масчоҳ тоғларидан чиқадиган булоқлар қўшилади.

Бошқа сувлар ва булоқлар билан бириқиб, дарё бўлиб Бухоро ва Қароқўлғача бориб етади. Қўҳак дарёсининг узунлиги 120 тош (фарсах)дир.

Дарғам ариғи — боши Қўҳак дарёсидан ажралиб, Самарқанд шаҳрининг ичи ва тоғи, Шавдор ва Анҳор туманларини сугориб, ортиқчаси Қўҳак дарёсига қўшилади. Шаҳар боғлари ва бўстонлари ушбу ариқдан яшил ва тозадир.

Сияҳоб (Қорасув) ариғи — бошлаб бир талай булоқлардан пайдо бўлиб, Қонигилғача оқиб келади. Унда иккига бўлиниб, биринчи бўлағи Қўҳак дарёсига оқиб кетади ва иккинчи бўлағи икки шаҳобчага ажралиб, биринчи буториқим, Оби раҳмат оталади,

Самарканд шахринииг шимолидаги богларга: Мотурия, Боги баланд ва Боги майдонга сарф бўлади. Дерларким, Оби рахмат аригини Амир Мухожир Кўхак тогинипг жануб этагида козиб окизгандир. Кутайба Самаркандни олгандан сўнг мана шу Амир Мухожирни унга хоким белгилаган эди. Дерларким, Амир Мухожир ушбу аригни козаётган чоғда, арик бошида, хазрати Хизр учрашиб «нима истайсан?» (мотуриду?) деб сўраган. Амир Мухожир «сув истайман» (мо уриду) деб жавоб берган. Шунинг учун биринчи сира шу сув билан сугорилган ва обод килган ўринга «Мотуриду» деб от қўйилган. Баъзилар ушбу нақлни Шайх Абу Мансур Мотуридий ва хазрати хожа Хизрга нисбат берадилар. Самарканд элининг эскидан колган бир киликлари бордирким, ажам йилининг сўнги душанба окшомида ушбу арик ёқасига йигилишиб чўмиладилар ва тахорат киладилар. Табаррук юзасидан ушбу Сувдан оладилар. Яна Хазрати хожа Дониёл мазори булоғи. Сияхоб аригининг ёқасида ва Хазрати хожа Дониёл мазорининг устидадир. Ушбу булокнинг суви ҳам кутлугдир. Яна Иссик ва совук, булоғи. Ушбу булок, Кўхак тогининг жануби-шарқий этагида, гаж кони томонидадир. Булокнинг суви кишда жуда кайнаб ва ёзда совукдир. Яна Новадон булоғи. Ушбу булок шаҳар тошидаи, жануб томондан чиқиб, Хожа Ахрор дарвозаси аталган шаҳар дар-возаси ёнидан оқиб, шаҳар ўртасидан ўтиб, Сияхоб аригига қуюлади. Баъзилар Самар қоздирган булок ушбурдир, дейдилар. Оби Машхад булоғи. Ушбу булок шаҳардан икки мил (5 чакиримча) узокликдан, жануби-шарқий томондан чиқиб, шаҳар девори ва Афросиёб кўргони тагидан ўтиб, Сияхобга қуюлади. Аббос ўғли Қусам бу булокнинг ёқасида ша-хид бўлиб, унинг яқинига кўмилгани сабабли «Машхад» (шахид бўлган ер деб) оталган, Катурон (Катвон) даштининг шахидлари ҳам шаҳарнинг ташқарисида, кунчиқар томонда, шу арикнинг ёқасида кўмилгандирлар. Уларнинг сони 70 минг бўлиб, Султон Санжар Мозий билан Каро-хитойлар ораларида бўлган урушда шахид бўлиб эдилар. Эронлар кўпинча бу булок ёқасида хазрати Хизрга йўли-киб, мулоқотида етганлар.

## **7-БОБ. БУ ШАҲАР ТЕВАРАГИДАГИ ГОРЛАР ВА ЧУҚУРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА**

Биринчи гор Афросиёб қалъасининг ташқарисида, хаз-рат Хожа Санграсон мазорининг рўбарусида бўлиб, [унда] қатор хужралари бордир ва баъзи хужраларида ўлган кишиларни суякларини қўп.

Иккинчи: гори Мискин. Бу гор хазрат Хожа Мухаммад Санграсон мазорининг пасти, шимол тарафида Сияхоб аригининг яқинидаги Талли баланд тагидадир. Бу горни турк машойихларидан Шайх Ходим алайхи-р-рахма (унга рахмат бўлсин) қовлатиб, сўфийлар учун мақом қилган. Шайх Ходимнинг мазори горга яқин ерда воқеадир. Бу мақоми файз осор ва авлиёлар жойи бўлгандир.

Учинчи гори Талли Мухаммад Чап бўлиб, Афросиёб қалъасининг тупроғи остида қолиб кетган. Сияхоб устига қилинган Мухаммад Чап кўпригидан кишилар ўтадиган қатта йўлнинг қарб томонидадир. Бу кўприқдан кишилар Боги майдон ва Боги баланд мавзеларга борадилар.

Тўртинчи Хожа Дониёл гори бўлиб, бу гор ҳам Афросиёб қалъасининг тупроғи тўқилган



ерда колиб кетган. Бу гор шарофатлик бир макомдир.

Бешинчи: гори Ошикон. Бу гор Самарканд шахрининг калъаси кунчиқари ва калъа хандакига якин ердадир. Бу горни хазрати Махдуми Хоразмий ковлатиб сўфийлар учун жой килган, катор хужралари бўлган. Хазрати Махдумнинг вафотидан сўнг бирмунча вақт Самарканд шахрининг каландархонаси бўлиб турган.

Олтинчи: гори Кўхак. Бу гор Кўхакнинг шаркий томо-нида воқедадир. Накл килишларича, мулло Саккокий исмли киши мана шу горда риёзат чекиб 41 исми тасхир (забт) этиш билан шугулланган. Бошка горларнинг сифатлари машхур эмасдир.

## 8-БОБ. МАСЖИД ВА МАДРАСАЛАРИ ХАКИДА

(Биринчи) хазрати Хизр алайхи-с-салом масжиди. Бу масжид шаҳар ташқарисида, Афросиёб тепаси устида. Оханин, бошқача айтганда, Хазрати шох дарвозасининг қаршисидадир. Айтадирларким, Самаркандда энг аввал со-линган масжид ушбудир. Имом Кутайба хазрати Хизр ишо-рати бидан иморат килгандир. Бошка бир ривоятга кўра, бу бинонинг биринчи гиштини хазрати Хизр алайхи-с-салом кўйиб, қибласини саҳобалар тиклаганлар. Баъзи кишиларнинг айтишларига Қараганда, унинг меҳробини хазрати Хизр тўғрилаган. Дерларким, бир кимса душанба куни улаштириб бомдод намозини ўша масжидда ўтаса, хазрати Хизрни кўрар эмиш. Ушбу масжид амир Музаффарнинг хонлиги чоғида қайта иморат қилинди.

(Иккинчи) Абдулло ибн Умари Хаттоб — Тангри ундан рози бўлсин — масжиди. Бу масжид хазрати Умар масжиди оти билан машхур бўлиб, Масжиди қабуд ҳам дер эканларким, шаҳар ичида иморатлараро Шердор, Тиллокорий ва Улугбек мадрасалари яқинида, яъни Улугбек мадрасасининг жануби-шарқида, Регистон майдонида рўбарў, Тиллокорий мадрасасининг қаршисида, янги солинган мадра-санинг ичидадир. Хазрат Абдулло Умар ўғли Саъид Усмон ўғлига бир талай окча бериб, «Кайсики шаҳарким ислом кўшини томонидан олинса, сиз унда, бу йўлдан менинг отим билан отаб, бирор масжид солдиргайсиз» дейди. Бу масжид ҳам ўшалардандир. Унинг меҳробини саҳобалар тиклагандирлар. Кутлуг бир ўриндир. Баъзилар бу масжидни имом Умар Насафий масжиди деб атайдилар. Унинг (Умар Насафийнинг) қабри шаҳар ичида Чокардиза қабристонидадир. Умар масжидининг шимол томонида Абу Саъидхоннинг дахмаси бор. (Учинчи) хидоят этувчиларнинг билимдони шайх Абу Мансури Мотуридий масжиди. Бу масжид шаҳар ичида, шаҳар дарвозаси ва шаҳар кўргонининг яқинида кунчиқар томонда, Чокардиза қабристонининг ўртасида, шайхнинг қабри устидадир. Эски замонларда бу шаҳарга вабо ёки бирор бошка бало келса, зоҳид, обид ва олимлар шу масжидга йигилишиб, дуо қилар эканлар. Шунинг билан тикилган бало кўтарилар экан. Дуо қабул бўлиб, уламнинг кўнглини очадиган бир ўриндир.

[Тўртинчи] хазратхожа Абулфазл Балхий масжиди. Бу масжид шаҳар ичида. шимоли-ғарбий бурчакда, шаҳар дарвозаси бўлган Пойқобокнинг [ҳозирги оти «Хайробоод»] яқинидадир. Бу масжидда дуо қабул бўлиб, [у] кутлуг бир ўриндир.

[Бешинчи] Жавзоия масжиди. Бу масжид шаҳар ичида, иморатлар орасида, Шердор мадрасасининг кунчиқаридадир. Кутлуг жой ва мужтахидлар ўриндир.

[Олтинчи] Дари занжир масжиди. Шахар ўртасида, иморатлар орасида, хидоят этувчиларнинг билимдони шайх Абу Мансур Мотуридий масжидининг якинидадир. Ўлган шайхларнинг ўрни экан. Тошкентлик Орифжонбой 1250 хижрийда [милодий 1834-35 й.] ушбу масжидни янгидан пишик гишт ва гаж билан юксак иморат килди.

[Еттинчи] Амир Темур кўрагоннинг жомеъ масжиди. Бу масжид шаҳар ичида, [унинг] шимол томонида хазрати Шох [Дари оханин] дарвозасипинг якинидадир. Амир Темур кўрагон Хиндистонни олгандан кейин [у ерда ўлжа олинган] олтин, инжу ва кийматлик тошларни туксон бир филга юклаб олиб келтирди ва истадиким, пойтахти бўлган фирдавсмонанд Самаркандда бир жомеъ бино килгай. 801 хижрий/1398-99 милодийда кучли ва тезишлик усталарни дунё теварагидан йигиб ишга бошлади. Ва шундай бир масжиди жомеъ бино килдики, сахнининг соф ишланиши хушёр диллардан ҳам мунавваррок ва баланд кунгиралари ой мукарнасидаи безакли, фирўзасимон кошнлари ложувард, осмонранг, офтобга жилולי зарнигор накшлари билан гўзал чарх гумбазларига баробар. Баланд овозалик дарвозаси «кимки бу ер [хонаи каъба]га кирди, омонлик топди» оятининг калиди билан очилди. Хар бир юксак тоқлари фалак пештокида кад кўтарди. Жомеъ-нинг равоки устида ёзнлгандирким: «Амир Тарагай ўгли буюк хокон Амир Темур кўрагон 801 йилда ушбу жомеъни солинишига амр килди». Жомеъ дарвозасининг узо-рида ёзилгандирким: «Ушбу жомеъни биткизишга 806-да [милодий 1403-04] муваффақ бўлинди». Ушбутенгсиз бино беш йил орасида улуг хокон буйруги билан солиниб бит-казилди. Ушбу жомеънинг эшиги икки табакалик бўлиб, хуло [биринч, мис ва рух бирга кўшилиб эритилса хуло бўлур] кўюлган ва фусункор усталар жомеънинг кирар ерига пўлод калам учи билан жуда ҳам гўзал табиатли накшлар килганлар эканким, Самарканднинг бузукчилик чогида йўколгандир. Жомеъ эшиги устида ушбу байт ёзилган:

Дар кафи халк хама макру фиреб асту хавас,  
Кор даргохи худованди жахон дораду бас.  
Мазмуни:

Халк кафтида бари алдов ва хавасдир,  
Иш ёлгиз дунёнинг эгаси бўлган тангрининг  
саройидадир.

[Саккизинчи] Мирзо Улугбек ибн Мирзо Шохрух мадрасаси ва масжиди жомеи. Улугбек Амир Темурнинг набираси, Шохрух мирзонинг тўнгич ўғлидир. 796 хижрий, якшанба куни жумоди алаввал ойининг 19-да [милодий 1394 йили, 23 мартда] тугилгандир. Шохрух мирзо отаси Амир Темур кўрагоннинг ўлиmidан беш йил кейин Хиротдан Самаркандга келиб, Мироншоҳнинг ўғли ўз биродарзодаси Султон Халилни Самарканд тахтидан тушириб, ўз ўғли Улугбекни [тахтга] ўтказди. Улугбек хонлигидан 16 йил сўнг хижрий 823 [милодий 1420-21]да ушбу мадрасани солдирди. Ушбу Мадраса шаҳар ўртасида [арки олийга якин бир ўриндадир]. [Мадрасанинг] тоғ шукухли хайъати устухонбанд мустахамлигидан фалак биносидан тинчликни олган, юксаклик жихати бўлмиш азаматнишон пештоки огирлигидан ерга зилзила келтир-ган, унинг олий даражали кунгираларини кудрат устаси фалак айвонининг мукарнаскорлиги билан бир хилда ясаган, ложувард кошнларини казо наккоши фалакнинг чарогон юлдузлари билан бир тартибда накш килиб, уларга дахлдор килган куёшдек жилваси, зарнигор накшлари, гўзал фалак гунбази билан хамвазн эди. Бу буюк Мадраса икки каватли бўлиб, хар бир равоқда бир хужрада талабадан икки киши турар экан. Самарканднинг бузукчилик чоғларида ўзбек хонларидан бирови подшоҳлик ўрдасига саркўб [кўргон ичидаги ёвни тўпга тутнш учун кўриладиган юксак ўрин] бўлмасин, деб устги каватини буздирган.

Хозирда [у] бир каватликдир. Мадрасанинг иморати битгандан кейин Улугбек мирзо у ерда Козизода Румийни мударрисликга белгилади. Баъзи вақт ўзи ҳам даре айтмоққа киришар эди.

Мадраса солингандан тўрт йил кейин 833 [1429-30] Улугбек, Козизода Румий, мавлоно Гиёсиддин Жамшид, мавлоно Муиний Коший, мавлоно Салоҳиддин Мусо билан Кўҳак пуштасининг этагида, Оби раҳмат аригининг ёкасида ра-садхона биносига бошлади. Расадхонанинг теварагида буюк-буюк хужралар тузди. Расадхона тепасининг этагида гўзал чорбоғ ва чинихона ясадиб, кўпинча унда турар эдиб. Расадхонани иморат қилаётганда битказишдан бурун, бря-ги уламо ўтар дуиёдан мангулик оламига жўнадилар. Бундан сўнг аллома Али Кушчи кенгаши билан расадхонани битказди<sup>62</sup>. Улугбек Мирзо хижрий 841 [милодий 1437-38 йил]дан бошлаб мунажжимлар орасида эътиборли бир китоб саналган «Зичи Кўрагоний»ни езди.

Улугбек мирзонинг икки ўгли бор эди. Биринчиси мирзо Абдуллатиф, иккинчиси мирзо Абдулазиз эди. Абдуллатиф 851 хижрий [милодий 1447-48] ўз отаси Улугбекни ўлдирди. [Улугбек мирзо] 57 йил яшади. Мирзо Абдулазизни отасидан икки кун илгари ўлдирган эди. Бундан олти ой сўнгра Абдуллатифни Боги чинордан шаҳар сари келаётганда, Улугбек одамларидан Бобо Хусайн деган биров отиб ўлдирди<sup>66</sup>. Унииг бошини Улугбек мадрасасининг пештокига осдилар. Улугбекнинг қабри ўз бобоси Амир Темур кўрагон кўмилгаи гумбаз ичидадир, иншооллох, ўз ўрнида маълум қилинади. Тубандаги ушбу байт Улугбек мирзоникидир:

Эй он, ки мулки хусн ба зери нигини туст. Шўҳи макун, ки чашми бадон дар камини туст. Таржимаси:

Эй, санким муҳринг остида хусн мулкидир, Шўҳлик қилмаки, ёмонларнинг кўзларн сени пойлаб турибди.

[Тўққизинчи] шаҳид хон Муҳаммад Шайбонийхон мадрасаси. Шайбонийхон [Шох] Будог султоннинг ўгли бўлиб, у [бўлса] Абдулхайрхоннинг ўғлидир. Баланд даражалик Абдулхайрхон Чингизхон ўгли Жўчихон наслидандир. Бу Мадраса шаҳар ичида хазрати шох мазорига бориладиган катта йўлнинг кунботар томонидадир. Шаҳид хон [Шайбонийхоннинг] қабри ҳам шу мадрасанинг ўртасидаги суфа остидадир. Ушбу мадрасани солдиргучи Шайбонийхон ўгли Муҳаммад Темурхоннинг хотини Маҳди улё хоним<sup>69</sup>дир. Муҳаммад Темур отаси гавдасини келтириб бу ерда кўмдиргандан кейин, ушбу Мадраса Шайбонийхон мадрасаси номи билан шуҳрат чиқарди. Самарканднинг бузукчилиги чогида ушбу Мадраса бузилган, хароб бўлган эди. Иккинчи марта суннатларни тирилтирувчи хазрат Амири Маъсум Гозийнинг фармойиши билан тузатилиб, вақфлари белгиланди. Хозирда унда дарелар давом этмоқда, ўқувчилар ўқимокдалар.

[Ўнинчи] Фозиллар етакчиси жаноби кози Сокий уни худо раҳмат қилсин мадрасаси. Бу Мадраса шаҳар ичида Амир Темур жомеъининг [Бибиҳоним] жануби-гарбий бурчагида экан. Кози Сокий Имомқулихоннинг хонлик вақтида Самаркандда кози қалонлик мансабида эди. Бу Мадраса эса ул уламо йўлбошчиси томонидан 1021 [1612-13] йилда солингандир. Самарканднинг бузукчилик чогида у Мадраса буткул йўқолибдир, хозирда ундан ҳсч нишона йўқ.

[Ўн биринчи] Сайид Аҳмадхожа мадрасаси. Бу Мадраса, Самарканд шаҳрининг ичида, Шайбонийхон мадрасасининг жануб томонида экан. Ушбу Мадраса Сайид Аҳмадхожа томонидан Имомқулихон замонида 1047 хижрий [милодий 1637-38] йилда солинган<sup>73</sup>. Сайид Аҳмадхожанинг қабри ҳам ушбу Мадраса ичида экан. Самарканднинг бузукчилик

чогида бу Мадраса бузулиб йўк бўлган эди. Амир Саъид лакаби билан машхур бўлгач суннатларга амал етувчи уламолар устози, мўминлар амири, хазрат амир Хайдар нинг вакфини йигиб, ўша Саъид кабрининг шимолида кичик бир Мадраса солдирди. Хозирги вақтда дарс ўрни ва ўқувчиларнинг кўнари жойидир.

[Ўн иккинчи] Шердор мадрасаси. Бу Мадраса [Самарканд Регистонида] Улугбек мадрасасининг каршисида, унинг кунчиқар томонидадир. Бу Мадраса вилоятпанох Ялангтўшбий оталик томонидан солинган. Ялангтўшбий олчин аймокиндандир. 1028 [1618-19]да ушбу Мадраса солинди. [У] шундай мадрасаким, буюкликдан хаёл идиши ичига сигмас, катталикдан тавсиф айтишга тўғри келмас, баланд токи фалак равокидек, чунончи офтоб шаклини асад буржига яқин қилиб, пештокига сурат солиб, хар икки шерни оху оладиган тарзда кўрсатилган. Офтоб панжасини далир шерлар пешонасига кўйиб турган ва хар икки равок бикинига ранглик зийнатланган, накши нигорлик икки гумбаз қилинган ва хар икки гумбаз тепасига гулдаста бино қилинганки, барчани хайратда қолдиради. Кизики шундаким, мадрасанинг солиниши тарихи «Ялангтўш баходир» топилибдир.

[Ўн учинчи] Тиллокорий жомеъи мадрасаси. Ушбу Мадраса Улугбек ва Шердор мадрасаларининг шимолида, иккаласининг ёнидадир. Жумъа намозини Амир Темур курагон жомеъи хароб бўлганидан кейин, шахар халки [хозирга қадар] Тиллокорий мадрасайи жомеъида ўқийдилар. Унинг солдиргувчиси ҳам мир Ялангтўшбий оталиқдир. Шердор мадрасасидан ўн йил кейин 1051 хижрий [милодий 1641 -42] йилда солинди78. 1234 хижрий [милодий 1818-19] йилда пештоки зилзиладан ўрнидан кўпорилиб тушиб эди. Хазрати хилофот макон хазрати сайид. мўминлар амири Амир Саъид унинг кабри мунаввар бўлсин — яъни амир Хайдарнинг буйруги билан янгидан тузатилди.

[Ўн тўртинчи] яхшилар кутби, солихлар гавси носир улмиллат ва-д-дин хазрат Хожа Ахрор — унинг сирри пок бўлсинмадрасаси. Ушбу Мадраса шахарнинг ичида, жануб томонда, Сўзангарон дарвозасига бориладиган катта йўлнинг кунботаридадир. Хожа Ахрор билим эгаларини севар, мажлиси хамиша олим кишилар билан тўла эди. Шу сабабдан илм ахллари учун у ерда бир олий Мадраса солдирди. Самарканднинг бузукчилик чогида ушбу Мадраса бузилган эди. Суннатнинг мухйиси амири Маъсум Гозий [амир Шохмурод) Улугбек мадрасасининг жанубида бўлиб, бузилган Алика кўкалтош жомеъ мадрасасининг гиштарини дин уламосининг фатвоси билан келтириб, хазрат Хожа Ахрор, сирлари муқаддас бўлсин, олий мадрасасини бошқатдан солдирди ва вакфларини белгилади. Хозирда унда ўқиш бор ва ўқувчиларнинг турар жойидир. Аммо Алика кўкалтош Шохрух мирзонинг ишончли кишиларидан бўлиб, уни ўгли мирзо Улугбек билан бирга Самаркандга кўйган эди.

[Ўн бешинчи] Олий Мадраса. Бу Мадраса Самарканд-нинг арки ичида, подшолик тахти бўлган «кўктош» нинг каршисидадир. Ушбу мадрасани суннатнинг мухйиси, олий шаън, уламо ва фузалоларнинг устози, хилофатмакон Сайид, мўминлар амири, хазрат Амир Хайдар подшо 1228 хижрий [милодий 1812-] йилда солдирган.

[Ўн олтинчи] Кози Гафур унга тангрининг раҳмати бўлсин мадрасаси. Бу Мадраса Самарканд шаҳри ичида, кунчиқар томонда иморатлар орасидадир. Самарканднинг бузукчилиги чокларида бузилган экан, суннатнинг мухйиси хазрат амир ал-мўминин Сайид Амир Хайдар подшонинг буйруги билан ушбу мадрасанинг жануб томонида еттита хужра солинди. Хозирда ўқиш ўрнидир.

[Ўн еттинчи] Нодир Мухаммад девонбеги мадрасаси. Ташки Шердор [Шердори берун] деб ҳам машхур бўлган. Ушбу Мадраса хожа носир ул-миллат ваддин хазрат Хожа

Убайдуллох Ахрор файз осорли мазорининг шимолидадир. Нодир Мухаммад девонбеги ўзбекнинг орлот аймагидан ва Бухоро хони Имомкули баходирхоннинг тоғомсидир. Яхшилиқни сезгучи, яхшилиқ қилмокни истагучи билим эга-ларига ихлослик бир киши экан. Ушбу мадрасани 1040 хижрий [милодий 1630-31] йилда солдирди. Бу Мадраса жуда юксак, нақшли ва гўзал бир мадрасадир. Тўрида бир кенг хонахохи ва минбари бор бўлиб, Хожа Ахрор мазорига келгучилар намозларини онда ўтайдилар<sup>84</sup>. Хозирда ушбу Мадраса ўқиш ўрни ва талабаларнинг жойидир.

## 9-БОБ. ШАХАР ВА УНИНГ ТЕВАРАКЛАРИДАГИ КАБР ВА МОЗОРЛАРНИНГ АЛОМАТ ВА НИШОНАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Нурга тўла Ҳазрати шох мазори. Ҳазрати шохнинг муборак оти Аос ўгли Кусам бўлиб, мазори Самарканд кўргонининг шимол томонида, шаҳар ташқарисида, Афросиёб кўргонининг ичидадир. Кусам Ҳазрат Мухаммад пайгамбарнинг, Тангрининг унга салот ва саломлари бўлсин — амакиси бўлган Ҳазрат Аббоснинг, тангри ундан рози бўлсин ўғлидир. Онаси Хорис кизи ва Мухаммад пайгамбарнинг хотинларидан бўлган Маймунанинг синглисидир. «Тахзиб ул-асмо» ва «Асоба дар тамизи саҳоба» китобларидан бордирким, Аббоснинг, тангри ундан рози бўлсин — бир хотинидан тўрт ўғил дунёга келган эди: ] Ҳазрати Фазл. Мазори Шом вилоятида, Ярмук деган ўриндадир. ] Ҳазрати Абдулло. Кабри Тоиф вилояти (Макка музофоти) да. ] Ҳазрати Убайдуллох. Мазори Мадинада. ] Ҳазрати Кусам. Мазори Самарканддадир. Гиёсиддин Жа-вҳарий ўз асарига «Аббоснинг беш ўғли бор эди» деб кўрсатган. Юкорида ёзилмиш тўрт ўғлини санагандан кейин, бешинчи ўғли Маъбат исмлиқ эди. У Африкада кўмилган дейди. «Мадориж аннубуват» китобида зикр қилинган: пайгамбар ўз амакиси Аббосга, ундан оллох рози бўлсин, деди: «эртага ўғилларинг билан келгин». [Лекин] Аббос, беш ўғли бўлса-да, [факат] Абдурахмон билан келган. Пайгамбар уларга ўз чодирини тикиб берди ва деди: «Э, худойим, Аббос ва унинг фарзандларини равшан ва ботин мағфиратинг билан ярлақин, кейин келадиган авлодларини ҳам ўз химоятингда асра!».

Термизийдан ривоят қилинди. Ва Гиёсиддин [Жавҳарий]нинг [яна] айтишича, Ҳазрат Кусам Пайгамбарни вафот этгандан сўнг ювган-лардан биридир. Бир ривоятда айтилишича, Кусам пайгамбарнинг ўлими чоғида саккиз яшар эди. Афту башараси ва қилиги буткул Пайгамбарга ўхшаш эди. Чунончи «Ашбох ун-нос» [деган] ҳадисда «Менга ўхшаш яратилган», дейилган. Кусам ибн Аббосни имом Ҳасан билан эмишга бердилар ва Кусамнинг онаси Пайгамбар замонида бир кеча тушида пайгамбарнинг шарофатлик аъзоларидан бигрини унинг олдига ташлаганлар. (Сўнг) у келиб Пайгамбарга арз қилганда, у деди: «Яқинда Пайгамбар кизи Фотима [ҳам] ўғил кўради, сен уни [ҳам] эмизгин», Ҳазрат амир ул-мўъминин Али, қаррамаллоху ваҗҳаху, [тангри унинг чехрасини олижаноб этсин], халифалиги чоғида унинг буйруғи билан Макка шаҳрига ҳоким бўлиб турди. У шаҳид бўлгандан кейин Маовия [ибн Абу Суфён] замонида унинг буйруғи билан Убайд Зиёддан сўнгра, Хуросон ҳокимлигига тайинланган уруш бошлиқларидан Усмон ўғли Саъид кетидан Мовароуннаҳрга келди. Усмон ўғли Ҳазрат Саъид яраш йўли билан Самаркандни олиб, халқини му-сулмон қилди. Динни

кучайтирмок ва шариат хукмларини юргузмок тилаги билан Кусамни бир неча ислом кўшини билан бирга бунда колдирди, 57 хижрийда (милодий 677 й.) кофирлар шаҳарга хужум килдилар. Самарканд шаҳрининг Намозгоҳида Кусам жон чиқарига ўк тегиб шаҳид бўлди ва кутлуг гавдасини Бану Ножия кабристонида гор ёнида кўмдилар. Тўғри ривоят шудирким, Усмон ўғли Саъид Самарканд эли билан урушаётганда, Кусам жон чиқарига ўк тегиб шаҳид бўлди ва Бану Ножия кабристонида кўмилди. Аллома Утбий «Саҳихи Бухорий шарҳи»да Аббос ўғли Кусамнинг қабри Самаркандда Оханин дарвозасининг яқинида Бану Ножия кабристонидадир, деб аниқлаб ёзиб-дир. Абу Абдулло «Тарихи Нишопурлда тўғриси Кусам хазратлари вафот этиб Самаркандда кўмилгандир, деб ёзадир. Бошқа бир ривоятга кўра, хазрат Кусам Ширинкет (Самарканд музофоти) деган мавзеъда шаҳид қилинган ва гавдасини Кўҳак дарёсидан кечириб ўтказиб, Бану Ножия кабристонида кўмдилар. Султон Санжар Мозий замонасида ўша кабристонда «Кусамия» аталган бир мадраса солинган эди. У Мадраса Самарканд кўргонн ўрнига тепа устида, Оби машҳад аригининг яқинида, кунботар томонида эди. Хозирда ундан бир нишона колмагандир.

Амир Темур кўрагоннинг подшолиги вақтида ушбу мазор иморат қилиниб, турли безаклар билан безатилди. Унинг хотин ва сингилларидан бир нечаси ва баъзи амирлар унда ўринлар белгилаб, ўзлари учун турбатлар ва дахмалар ясаиб, уларнинг устида буюк-буюк бинолар солдиргандир-лар. Ложувард тусли фалак дунё юзига тамошо кўзини оч гондан бери бунга ўхшаш гўзал ва безаклик иморат кўрмаган. Фирузаранглик, кўбтурма накшлик (мукарнас) гилдирак ой билан куёшдан ўзига кўз ясагандан буён бу каби бинокорлик қосинларни тамошо қилмаган. Бу иморатниинг кўринишидан кўзлар безаниб, мурассаъ (бир-бировига қелиштириб қизилган инжулар) бўладир. Ушбу сатрлар ва бу рисолаи ёзувчи мен яхши иттифок тушиб панжшанба куни туш вақти 16-нчи жумоди ал-аввал ойи хижрий 1251 [1835, 9 сентябрь]да расули мухториинг амакиваччаси Хазрат Шох ундан оллох рози бўлсин, мазорини зиёрат қилгандан сўнг, иморатларини, масжид ва миёнсаройларини, гумбазларини ва у ердаги ёзмаларини қириб кўрдим ва кўрган-билганларимни кўчириб бу ерга ёздим, шунинг учунким, замоннинг ўзгариши билан бу асарлар кўздан йўқолганда. ушбу коғозда ёзгулик қолгай, ибрат олинғиз, эй ақли солим эгалари!

Яширин қолмасинким, Хазрати Шохнинг муборак мазори билан бир қаторда бўлган масжидларнинг иморати 735 (1334-35) йилда битқандир. Солиниш тарихининг ёзмаси гумбаз ичида кўрнииб турибди. Лекин масжиди қалоннинг солиниши тарихи ўчмиш ва йўқолгандир. Узунча миёнсарой томонида-ги эшиги устида бир ёқда Султон Аҳмад102 ва бошқа ёқда Султон Абу Саъид оти ёзилгандир. Баъзилар Амир Темурдан бурун хон бўлиб ўтган Султон Абу Саъид томонидан ушбу бино солинган бўлса керак, деб ўйлайдилар. Узунча миёнсаройга қириладиган ўймақор дарвозанинг ясаилиши тарихи 807 (1404-05) йилларким, хозирда ҳам дарвозанинг бурнида ёзмаси бор. Ушбу миёнсаройнинг шимолида, зиналар қаршисидаги ихота қилиб олинган ялангликнинг бир ёнида Амир Темурнинг хотини, Амир Мусо ўғли бўлган Амир Одилнинг қизи Тумон оқо дахмасининг гумбази бор105. Дахма олдида масжид бор. Унинг шимолида Аҳмадхожанинг дахмаси бор. Қунчиқар томонда Қутлук оқонинг дахмаси бор. Ушбу Қутлук оқо ҳам Амир Темурнинг мухтарам хотинларидан биридир. Туман оқо дахмасининг битқазилиш йили 862 (1457-58)дирким деворида ёзилгандир. Зиналарнинг ёнида, юқори томонда тўрт гумбаз бор: иккаласи йўлнинг қун бота рида, яна иккаласи йўлнинг қунчиқаридадир. Гарб томонда икки гумбазким, бир-бирисига туташгандир. Бириси Амирзода дахмасидир.

Унинг битирилиш йили 799 (1396-97)дадир, деб ёзилгани равокида куриниб турибди. Иккинчиси Амир Тара-той кизи, Амир Темурнинг синглиси бўлган Туркон оконинг дахмасидир. Унинг битирилиш тарихи 773 (1371-72) йилдирким, равокида ёзилгандир. Унинг (Туркон оконинг) ўлими 785 (1383-84) йилда воқеъ бўлган. Йўлнинг кунчиқарида бўлган иккала гумбаздан бириси Туркон око гумбазининг каршисидагиси Амир Темур синглиси Тарагой кизи Ширинбека око дахмаси эрур. Унинг битирилиши 767 (1365-66) йилдадирким, ёзуви равокида кўриниб турибди. Кунчиқардаги у бириси Амир Хусайн дахмаси бўлиб, Амирзода гумбазиинг каршисидадир. Унинг битирилиш йили 777107 (1375-76)дадирким, равокидаги ёзмада бордир.

Мавлоно Шарафиддин Али Яздий ўз тарихида шундай ёзадиким, Амир Темур 801 (1399) йилда Хиндустон юришидан қайтиб келиб, шаъбон ойида (8 апрель-7 май) Самарканддаги Боги дилкушода бўлган кўшига кўнди. Олтинчи шаъбонда (13 апрель) Самарканд ичига кириб, еттинчисида Кусам [ибн] Аббос ўглининг разиоллоху анху — тангри ундан рози бўлсин — файзберувчи мазорига зиёрат учун бориб кутланди. Ундан Хазрати Шох шарофатли мазори дарвозасининг каршисида бўлган Туман око хонакохига бориб пеший намозини онда ўтаб, Боги чинорон сари жўнади. Ундан Боги беҳиштга караб кетди. Келаси куни Боги баландга келиб кўнди. Ушбу сўзларни (мавлоно Шарафуддин) масжиди жомеъининг солиниши тўғрисидаги ёзган бўлимида айтади109. Зиналарнинг куйисида, катта йўлнинг ёнида бўлган масжид, миёнсарой ва хужраларнн эса Улугбек мирзонинг ўгли Абдулазиз мирзо солдирган. Унинг битирилиши тарихп 838 (1434-35) йиллардирким, миёнсарой равокидаги ёзмада кўриниб турибди. Ва яна зиналарниг куйисида, кунчиқар томонида [катта дарвоза ва миёнсаройдан ўтқач, ўнг кўлда] бир Мадраса бордирким, уни мўминлар амири Сайид Амир Хайдар салтанати чогида давлатининг ишончли кишиси ва султонлик нойиби, шаън эгаси бўлган самаркандлик Давлат кушбеги 1228 (1811) йилда солдирган. Ушбу Мадраса эшигининг ёнида, шимол томонда, Самарканд хокимли бўлиб турган Мадраса эгаси-нинг ўгли мархум Мухаммад Шарифбийнинг кабри бор.

Аmmo шахзода Кусамнинг нур сочувчи мазорининг зиёратидан ахли диллар ажойиб завк оладилар. Бу шарофатли жойнинг тупроғини подшолар ўз кўзларига тўтиё киладилар. Тажрибада кўрилгандирки, хар бир хаёсиз ва нопок киши якин ёки узокдан у кишининг мазорига эхтиромсиз-лик кўрсатса, тангри таоло андак фурсатда унинг жазоси-ни беради. Пайгамбарнинг элчиси, унга салом ва салот бўлсин, азиз саҳобалари кароматларини кўрсатади.

Иккинчиси Шайх ул-ислом [хожа]Абдулхасан ва учинчиси Абу Наср Кассоб ва тўртинчиси Амири Хуросон мазорлари Аббос ўгли Кусам мазори бўлган тепада экан. Хозирда соғона тошлари ва белгилари йўқолгандир. Бешинчиси Мухаммад ибн Молики Аштар мазори Афросиёб кўргонининг киргогида, Оби машхад аригининг ёнидадир. Ушбу мазор билан Оби машхад аросида бир катта йўл бордир. Унинг Хазрати Шох ёронларидан экани [га] машхур. Ўзга ахволи белгилик эмас ва яна тангри таоло яхши билади.

Олтинчи. Хожа Абулхасан мазори. Бу мазор Хизир алайхи-с-салом масжидининг кунботар девори орқасида ва яқинидадир. Унинг кабри устида тош майдаларидан, узунча соғона шекиллик, нишона ясабдирлар. У киши мазорининг баракоти очик ва ошкорадир, унга тангрининг раҳмати бўлсин.

Еттинчи. Хожа Мухаммад санграсон мазори. Унинг оти Хожа Хамавий бўлиб, Кабри Афросиёб хандаки кунботарида, шимолий бурчакдадир. Айтадирларким, у хазрати Шох

ёронларидан эди, мусулмонлар билан кофирлар ўртасида бўлган урушда тош еткузиб турган эмиш. Ушбу мазорнинг яқинида бўлган юксакликда бир масжиднинг куйисида бир савмаа бордурким, тангри кўлларининг турар ўрни экан. Ушбу кабристонда бир талай авлиёларнинг мазорлари бор. Хожа Мухаммад Фазл Балхийнинг мазори ҳам шундадир. Балхдан Самаркандга келган ва бунда уни кози килдилар. Шундан кейин хажга бориб, яна Самаркандга кайтиб келди. Ўлими 319 [931-32]дадир. Мухаммад Насрий Марвазий, Мухаммад ибн Саъид Бухорий ва хожа Мухаммад Валиднинг кабрлари ҳам ушбу пушта устида эканким, нишонлари йўқолиб, билинмай қолибди. Хазрат Саййид Ахмад ва унинг халифаси мавлоно Шамсуддин Ўзгандийнинг мазорлари ҳам ушбу кабристонда. Пойкабок дарвозасининг яқинидадир. Бу иккала буюк киши бир узунча супа устида рохатда ётадилар. Улар турк шайхларидан эканлар. Хожа Мухаммад санграсон кабристонининг кунботар чек ораси Новадон аригининг жарлигидир. Бу арик булокларидан ке-либ, шаҳар ичидан ўтиб, Сияхоб аригига куюлади. Шимол томони Сияхоб аригидир, кунчикари Афросиёб кўргони-нинг ва жануб томони Самарканд кўргонининг ўрнидир. Шу айтилган оралигида чет бўлган майдон азизлар ва мусулмонларнинг қабр ўринларидир. Бу майдон саҳнидаги тепачалар, соғона харобаларининг намунаси дурким, иморатлари бузилиб, йўқолгандир. Афросиёб кўргонининг киргогида, гарби-шимолий бурчақда, Банда хотиннинг мазори ва Мискин номлик савмаа бор эканким, ҳозирда иккаласи ҳам йўқолгандир. Сияхоб аригининг яқинидаги баланд тепа остида «Мискин» деб аталадиган бир гор бордурким, турк шайхларидан бўлган Ходим Азизон шайхнинг қабри унинг шимолидадир. Бу шайхнинг муфассал таржимаи холи «Ла-махот» китобида бор. Мазорининг зиёратидан киши купли таъсирланади.

Сияхоб яқинида бўлган Банда хотин мазорининг пастлигида бир булок бор, унинг сувини кутлуг биладилар. Байт:

Чашма ки межўшад аз ин хокдон,

Ашки мукимони тайи хок дон!

Таржимаси:

Бу тупрокдан кайнаб чиккан булокни

Тупрок остидагиларнинг кўз ёши [деб] бил!

Саккизинчи. Сербаракот Готфар махалласининг мазори. Готфар махалласини Готфир кўчаси ҳам дейдилар. Ушбу махалла Самарканд шаҳрининг ташқарисида, аркнинг гарби-шимолий бурчаги қаршисидадир. Бу ерда бир мазор бор, [уни] халк Хожа Юсуф Хамадоний қабри деб зиёрат қиладилар. Хазрат мавлоно Абдурахмон Жомий «Нафахот-ул-унс» китобида Хожа Юсуф Хамадоний қабри Марв вилоятида деб аниқлаб ёзади. Улкан авлиёлардан саналадиган Хожа Абу-л-фаворис Бағдодийнинг қабри шунда-дир. Яна Имом Ломиший, Умар ибн Ахмад Маргинонийнинг мазори, Хожа Исқандар Дорамийнинг турбати, хожа Зайниддин Димишкийнинг қабри [ҳам] ушбу махаллададир. Шу ерда, жар яқинида, эски замонда бир тепа бор эканким, у «Тали тўгон» деб аталар экан. Хазрат шайх Шамс ул-аймайи Халвоийнинг мазори шу тепанинг яқинида экан. Хожа Дурюзагар ва хожа Мўйтобнинг мазори ҳам шундадир. «Тали тўгон»га яқин ва унга туташ «Тали мухаррабон» деб аталадиган бир тепа ҳам бор. Хожа Готфарий ушбу тепада кўмилган. Ҳозирда уларнинг нишонлари ва ёзувли тошлари йўқолган. Буларни эски китоблардан ва кекса кишилардан суриштириб ёздик.

Ҳишткўприк олдида, Навбоғ томонига бориладиргон йўл четида, жар ичида бир азизнинг файз асарли кўмилган ўрни бор. Турклар уни «Сойлик ота» дейдилар. «Саволик ота»



отагувчилар хам бор. Уларга тангрининг рахмати ва розилиги бўлсин.

## 10 БОБ. КАБР АХЛЛАРИНИНГ ЗИЁРАТ ЙЎЛЛАРИ

Самарканд арки ичидаги мозорлар

Тўкизинчи. Кутби Чордахўм мозори. Бу кишининг оти Шайх Нуриддии Басирдир. Ундан «сизнинг замонингизда кутб кимдир?» деб сўрагаида у: «биродарим Абдулло ўн учинчи кутбдир, биз ўн тўрттинчимиз», деб жавоб берибдир. Шунинг учун «Кутби чордахўм» деб донг чикарган. «Басир» шунинг учун деганларким, у киши онадан сўкир тугилган бўлса хам, валийлик нури билан барча кўргулик-ларни кўрар эди. У кутблар орасида ўн тўрт кечалик тўлган ойдек эди. Шунга кўра, ўзини ўн тўрттинчи кутб атайди. У шайх Зайниддии Куйи Орифонийнинг халифаси бўлиб, ундан тарбия топиб, кабул даражасига етган. Шайхликда тугалланиб, энг сўнгги боскичига мингач, йўлбошчисининг гайбий ишорати юзасидаи, онаси билан бирга Нўшкентдан Самаркандга кўчиб келибди. Нўшкент ва Куйи Орифон Тошкент вилоятининг кишлокларидандир. Самаркандга келгач, Новадон булогининг ёкасида, Кўйи чўпононда сабзаранг ёки «Масжиди кабуд» ва турклар томонидан «Кўк мачит» деб аталадиган масжидда кўниб, шунда ўрмашиб-дир. Зикрни жахрия йўли билан айтар экан. Бир талай кишини олислик ўрнидан якинлик даражасига етказибдир. У 640 [1242-43] йилда ўлди. Гавдасини Новадон булогининг ёкасида кўмдилар. Айтадирларким, Кутби чордахўмнинг кутлуг мозори Новадон бўйида аркнинг ташкарисида экан. Амир Темур кўрагон хазрати шайх Абу Саъид ибн хазрати шайх Бурхониддин Согарчий дан ўз ишларининг олдинга бориши учун рухоний ёрдам сўраганда, шайх Нуриддин [Кутби чордахўм] кабрини зиёрат этишга буюрибди. Шу шайхнииг буйруги бўйича Амир Темур Кутби чордахўм мозорини Самарканд аркига киргизиб, кабри устида гўзал ва юксак бир бино солдирган ва гумбазининг устига олтидан бир кубба ясатиб ўрнатган экан. Ушбу мозорнинг зиёрати дуонинг кабули ва тилакларнинг юзага чикишига анча таъсирликдир. Амир Темур кечалари шул мозорнинг теварагида айланиб юрар экан. Байт:

Кор на ин гумбази гардон кунад,  
Харчи кунад химмати мардон кунад.

Мазмуни:

Ишларни киладиган шу айланувчи гумбаз [яъне фалак]эмас,  
Балки хар нима килса, эрларнинг химмати килади.

Ўнинчи. Хазрати фахр ул-ислом Али Паздавий мозори. Бу мозор Самарканд ўрдасининг ичида, Вазир масжидинииг сахнасида, Кутби чордахўм мозорининг якинидадир. Ушбу имом отасининг оти Хусайндир. Али Паздавий Южилдлик «Мабсут» китоби, «Жомеъ ус-сагир» шархи хамда усули фикхда «Усули Паздавий» китобларни ёзган. Дерларким, шу имомнинг замонасида Шофеъий мазхабида бўлган бир олим келиб, ханафий мазхабидаги олимларни енга бошлади ва ўз мазхабига киргазаверди. Муллалар унинг билан мунозара килишга ундаб имомга ёпишдилар. Имом кўнмади. Лекин муллалар фириб ишлатиб уни мунозара килдирдилар. Шофеъий олими имом Шофеъийни мактаб, у бир ойда «Куръон»ни ёдлагандир, деди. Имом: «Бу жуда кулай бир иш, олти ойда эл аро

таркалган бутун илмлардан хабардор бўлмак мумкин, деди. Олти ойдаи кейин кайси китобдан сўрасалар, [Али Паздавий] муфассал йўсинда айтиб берар эди. Шофеъий олими бу холни кўргач, индай олмасдан ожиз колди. Айтадирларким, имом «Эҳё ал-улум» китобининг муаллифи 40 жилдлик «Ёкут ат-таъвил» тафсири ва «Мишкотул-анвор»нинг муаллифи бўлгаи имом хужжат ул-ислом Зайнуддин Абу Хомид Мухаммад ибн Ахмад ал-Газзолий билан кўришиб сухбатлашган. Хужжат ул-ислом от гўштининг халоллигини даъво килиб далил келтирди, [аммо] имом [Паздавий] кабул килмай, жавоб кайтарди. Хужжат ул-ислом индамасдан колди. Накл киладиларким, имом [Паздавий] Самаркандда кози бўлиб турди. 482 [1089-90] йилда ўлди. Яна дерларким, биров имом [яъни имом Паздавий] қошига келиб «Куръон»ни форсийчага ўгуриб ўкисалар ва арабчасини бир ёкка ташласалар тузукми?», деб сўрабди. Имом дархол у кишини ўлдиришга буюрди ва «бу кишини ўлдиришга буюришимнинг сабаби шулким, бу одам «Куръонини мўъжизаликдан чиқариб, динга халал ва ўзгариш киритмокчидир. Шунга кўра уни ўлдиришни вожиб билдим», деди. Имомининг бу ишини Самарканд хокими маъкуллади.

Ўн биринчи. Хазрат шайх Абдурахмон ибн ал-Авф Деб шухрат козонгаи Шайх Абдурахмон мозори. Бу мозор арк дарвозасига туташ, Кутби чордахўм ва имом Фахр ул-ислом-мозорлари якинидадир. Лекин «Тарихи Мадина»да «Абдурахмон ибн ал-Авф мозори мунаввари Мадинада Бокеъ кабрисонидадир», деб кўрсатилади. Иккала киши бир ном билан аталган бўлса эхтимол. Яна улуг тангрининг ўзи билади. Унинг, худонинг рахмати бўлсин, мозори жуда нурлидир.

Булардан бошка Самарканд арки ичида яна уч мозор бор: биринчиси аркнинг шимолида, иккинчиси кунботар томонида ва учинчиси Кутби чордахўм дарвозаси эмас, ўзга бир дарвозанинг якинидадир. Бу уч азизнинг от ва холлари белгилик эмас.

Самарканд шахрининг олий аркидан ташкарида бўлган сербаракот мозорлар Ўн иккинчи. Хазрати Рухободнинг файз осорлик мозори. Ушбу мозор эгасининг муборак оти мавлоно Бурхониддин Согарчидир. Согарч Самаркандга карашли кишлоклардан эканким, хозирда бузукдир. Бу мозор Самарканд шахрининг ичида, аркнинг жанубий девори якинида. Айтадиларким, мавлоно тириклик чогида бўлгуси мозор ўрнига келиб «ушбу тупрокдан танишлик иси келади», деган эмиш. Ўлганидан сўнг шунда кўмилган. Мавлоно Хазрат Умари Хаттоб, тангри ундан рози бўлсин, наслидандир. Мухаммад пайгамбарнинг бир тола туки мис идиш ичида кабрининг гумбази шифтида осилган. Мозори устидаги гумбаз Амир Темур кўрагон томонидан солинган. Ушбу мозорнинг зиёрати кишининг кўнглини очар ва рухини орттиради.

Ўн учинчи. Хазрат Вайсий отанинг файз осорли мозори Самарканд шаҳри ичида шаҳарнинг кунботар тарафида Зингарон гузаридадир. Унинг хазрати Вайсий Каран наслидан бўлганлиги машхурдир. Онадан тугма валий бўлганлиги сабабли уни «Вайсий» атайдилар. У кишининг мозори порлок, нурлидир.

Ўн тўртинчи. Хазрат Амир Саййид Барака мозори. Самарканд шахрининг ичида, Амир Темур кўрагон дахмасининг гумбази тагидадир. Хазрат Саййид Барака Кирмон вилоятдан Балх шаҳрига келиб. Амир Темурга ботиндаи ёрдамлашибдир ва Амир Темур Саййид Баракани Самаркандга олиб келибдир. Саййид Самаркандда бўлган вақтда, Амир Темур Мухаммад Султон мадрасасини кўргани бориб, ўша мадрасанинг кунботар томонида, ўзининг кабри учун мрамар ва яшил тошлардан юксак бир бино ва гумбаз солдирди. Гумбазнинг шимолида улкан бир Мадраса солдириб, унинг сахнасида гўзал бир чорбог туздирди. Саййид Барака ўлгандан кейин унинг ўлигини Мозандарондан

келтириб, ушбу гумбаз ичига кўмдирди. Ўзининг кўмилажак ўрнини ҳам Саййиднинг оёғи остида белгилади. Амир Темур энг кейинги сафари бўларок 300 минг урушок кучли кўшин билан Хитой ўлкасининг фатхи учун йўлга чикди. Йўл устида Туркистон музофотидан бўлган Ўтрорга боргач касалланиб, Келдибек уйига кўнди ва шу ерда вафот этди. Беш кун ичида унинг ўлигини Самаркандга келтириб, ўз дахмасининг гумбази ичида Саййид Бараканинг оёғи остида мрамор сандукка солиб кўмдилар. Ўтрордан Самаркандга 70 тошлок йўлдир. Айтадурларким, Шохрух мирзо [отасининг ўлимини эшитиб] Хиротдан Самаркандга келиб, отасинининг ўлигини у ердан (ўзининг дахмасидан) ёв хавфидан бошка яширин бир ўринга кўмдирди.

Султон Шохрух мирзо, Мироншоҳ, Мухаммад Султон ва Мирзо Улугбекнинг соғоналари Амир Темур дахмасининг гумбази ичидадир. Хазрат Саййид [Барака]нинг мазори кутлуг бир мазордир. Гумбаз ичида супа устида Мир Сайид Умар ибн Сайид Кулолнинг [хам] қабри бордир. Унинг мазоридан нур сохирдир. Амир Темур дахмасининг гумбази устида олтин кубба ўрнатилган эканким, вилоятнинг бузгунчилик чоғида қандайдир бир бахтсиз олиб йўк қилгандир.

Ўн бешинчи. Хожи Саййид имом деб машхур бўлган хазрат имом Носир уддин мазори. Ушбу мазор Самарканд ичида. Новадон булогининг кунботар томонида, тепа устида ва бояғи Новадон булоғи аригининг яқинидадир. Хазрат Хон Саййид бурунги ўтмишлардан бўлиб, таржимаи холи белгилик эмас.

Ўн олтинчи. Коризон дарвозаси, бошка от билан айтган-да, Хожа Ахрор дарвозасининг яқинида, шаҳар кўргонининг қиргоғида ичкари ёқда бир мазор бор. Яна шунга ўхшаш хон Саййид имом мазорига бориладиган катта кўча-нинг қарбига, дарвоза яқинида бир мазор бордир. Бу иккала мазор эгаларининг номлари ва таржимаи холлари аниқланмади, уларнинг ётган тупроқларини яна тангрининг ўзи яхши билади.

Ўн еттинчи. Хазрат Мухаммад ибн Имом Жаъфари Содикнинг, оллох улардан рози бўлсин, қайс осор мазори шаҳар ичида, Шердор мадрасаси равоқининг жанубий гулдастаси остидаги гумбаз ичидадир. Айтадирларким, амир Ялангтўшбий оталик хазрат имом гавдасини улуглаш учун у ерда Мадраса солдирибди. Эрон томонидан келган эски, лекин аввали тушиб қолган бир қитобдаким, [унда] имомларнинг тугилишлари, ёшлари, вафоти ва қабрларининг ўринлари суриштирилиб ёзилган эди, унда имом Мухаммад ибн Жаъфари Содикнинг, Оллох улардан рози бўлсин, мазори Самарканддадир, деб кўрғазганди. Ушбу белгиланган ўрин экани машхурдир.

Ўн саккизинчи. Шайх Абу Мансур Мотуридий мазори. Чокардизада. Ушбу қабристон [Чокардиза] шаҳар ичида, кунчиқар томонда шаҳарнинг бир чеккасидадир. У ер тубда имоми соҳид Абу Исхок ибн Иброҳим ибн Саммоси Мутаваъийнинг боғи экан ва ўзи ҳам ўша ерда кўмилган экан. Шу қабристоннинг ўртасида бир масжид бор. Шайх Абу Мансурнинг мазори шу масжиднинг жануб томонида ва яқинидадир. Қабр узоридаги кўк тусдаги соғона тоши масжид деворидан беш газ чамаси олисроқдадир. Шайхнинг Мотурид кишлогидида бир боғи бор эканким, кўпинча ёғочларини ва ниҳолларини ўз қўли билан ўтқазар эмиш. «Хайратул-фуқоҳа» қитобида бордирким, [бир кун] шайх Абу Мансурнинг хизматчиси кетмон чопар ва шайхнинг ўзи тоқ ўтқазар эди. Шу чоқда муаззин азон айта қолди. Шайх ишни тўхтатиб, масжидга бормоқчи бўдди, лекин тоқ ўтқазгани ошиқиб боролмади. Бир йилдан кейин подшоҳ хар бир боққа бир неча [кўза] ичкилик бидъат солиқ қолди, Хазрат шайх «Ушбу бидъат менинг тоқ ўтқазигга машгул бўлиб, намоз ишини кейинга қолдириш ишимнинг шумлигидан юзага чикди!» деб муборак салласини ерга уриб йиғлар эди. Айтадирларким, шайх бир кун боғда эди, Бағдод

халифаси томонидан, шайхдан бир масалани сўрагани Самаркандга юборилган элчи келиб бог эшигини кокди. Шайх йиртик кийим кийинган холда чикди. Элчи; «Мавлоно кайдадир?» —деб сўради. Шайх: «Мавлоно Тангридир», деб жавоб берди. Тагин элчи: «Хожа кайдадир?» деб-сўради. Шайх: «Хожа Мустафодир», деб жавоб кайтарди. Яна элчи: «Абу Мансур кайдадир?» деб сўради. Абу Мансур: «Ушбу тиланчи кекса», деб ўзини кўрсатди. Айтишларича, унинг ёронлари дарс таълими олиш учун [шайхнинг] богига келар эдилар. Иттифоко, хамал оyi эди, шайх ёронлари учун бир ўрик дарахтининг шохини кокди. Унинг кароматидин ер ўрик меваси билан тўлди. Ёронлар еб тўйдилар. Мотурид — Самарканднинг ташкарисида, унинг шимол тарафидаги кишлок. [Яна] наклда борким, хазрат Абу Мансурнинг хотини дагал ва бадфеъл хотин эди. Бир кун шайх танурга ўт кўяётган эдн, хотини жахл килиб шайхнинг муборак оркасига беш бор тепди. Шайх умрининг охирида «ўша беш тепки билан [мени ва Хакк, таоло орасидаги етти пардадан] беш парда[си] ўртадан кўтарилди ва ўттиз икки йил рўза тутиб, кечалари тик туришни бажо келтирдим, токи колган икки хижоб [хам] ўртадан кўтарилсин деб. Кани энди [ўшанда] яна икки тепки хам тепганда, бунчалик машаккат чекмаган бўлур эдим», деди. Хазрат шайхда ажойиб [бир] холат [хам] бор эди. У гохо яхудийлар махалласига бориб «ибодат килинглр, ёхуд ўлинглр!» деб хитоб килар эди. Бу сўзни эшитганлар имон келтирмасалар ўша чогдаёк ўлардилар.

Ножия фиркасиким, уларни суннат ва жамоат ахли дерлар, эътикод масалаларда икки бўлакка бўлинадилар. Шайх Абд ул-Хасан Ашъарийга карайдиганларни «Ашоъира» ва хазрати Абу Мансури Мотуридийга карашлиларни «Мотурудия» деб атайдилар. Рум, Бухоро, Балх, Хоразм, Самарканд, Фаргона ва Хиндистондек катта мусулмон ўлкаларининг барча халки ва Туркистон хамда Кошгар каби мам-лакатларда яшовчи эллар хаммаси Мотурудия мазхабидадирлар.

Шайх Абу Мансур мозори тошининг кунботар томонида «Хазирайи муфтиён» аталган бир майдонча бордирким, унда тўрт юз муфтий кўмилгандир, дейдурлар. Ўша хазиранинг теварагида пишик гиштдан курилган деворнинг кулама излари бордирким хали хам кўришиб турибдир. Ушбу хазиранинг ичида хожа Мухаммад Хайр ул-Нассожнинг турбати бордир. Бунда яна Кеш хожалари хам кўмилгандир-лар<sup>146</sup>. Чокардиза жуда эски кабристондир. Мавлоно Шамсуддин Бирёнгаранинг турбати, шайх Мухтасибнинг кабри, Хожа Алайкўм ва Зайн ул-хожж мозорлари Чортокнинг теварагидадир. Муфтийлар хазирасининг ташкарисида, Шайх Абу Бакр Бухорийнинг кабри ва Шайх Абу-л-Косим Самаркандийнинг турбати бор. У [Абу-л-Косим] ўнинчи мухаррам 342 [953 28 майда] ўлган, Шайх Абу-л-Косим Абу Бакр Варрок билан кўришган ва сухбат килишган. Булардан бошка Чокардиза кабристонида Хожа Бахрий Пишоварий, Хожа Рашид, Хожа Дуридқаш, мавлоно Мансур Зоҳид чармгар, Шайх Обрез ва ўзгаларнинг мозор ва турбатлари бор. Кабристоннинг шимол бўлагининг чеккасида, катта кўчадан олисроқда, Амир Темур Хирот ва Машхаддан Самаркандга олиб келган саййидларнинг суфаси бор. У келтирган саййидларнинг кўпчилиги шу суфада кўмилгандирлар. Шунга ўхшаш, яна Чокардиза кабристонининг жанубида саййидлар кабри бор; уларнинг кўмилган ўринлари катта бир гумбаз йўсинли дахмададир. Ушбу гумбазнинг тагида хазрат имом Хусайн, ундан оллох рози бўлсин, авлодидан бирови кўмилган, деб айтадиларлар. Хозирда дахма деворининг баъзи ёклари бутун ва махкамдир, лекин соғона тошлари ва ўзга белгилар кабрлар билан бирга Самарканднинг бузукчилик чоғларида йўқолибдир. Ушбу рисоланинг эгаси гумном Абу Тохирхожа ушбу кабрлар теварагида доим юратурган бўлса хам, уларни белгилагани ҳеч нима тополмади, лекин ушбу мозор эгаларининг отларини эски

китобларнинг сўзларига караб тайинлади. Кабрестон ўртасидаги ва хидоят туги бўлган хазрат Шайх Абу Мансур мазорининг икки ёнидаги масжид дуо ижобат бўлатурган дилкушо маком ва жамият багишлайдиган жойдир.

[Хикоят]: Бир куни шайх [Абу Мансур] мазорининг зиёратига бориб, масжидга кириб ўлтирдим. Ёнимда ўлтирган зоҳид мендан: «Сабаби нимаки, мен [тушимда] хазрат шайхни бурок минган холда кўраман. Бу кашф неча бор такрорланди?», деб сўради. Мен унга: «Шояд бу мартаба суннатига гоят татаббуларидан бўлса керак», дедим. Бир-мунча вақтдан кейин «Фатвои барахна» [китоби]да 151 ўқидимки, шайх Абу Мансур дунёдан кетадиган кечаси етмиш мартаба хожатга чиқиб, хар бор тахорат қилганда деган: «Бу кеча мен дунёдан кетаман. Расул алайхи-с-салом «дунёдан тахорат билан кетган киши шаҳид ҳисобланади», деган. «У зотнинг вафотидан кейин бир киши тушида етмишта бурок унинг ёнида турганини кўрган, [Шайх унга]: «Бу ўша қилган етмиш тахоратим», деган. Қадимий одатимни қилиб, бир куни ўша макбара зиёратига бордим. У ерда бир кишининг боши кўринди, қарасам, бир кўр киши [экан]. [Унга] салом бердим. У менга: «Ажабо, бу ер ҳасратхонага ўхшайди, [унинг] хар тарафидан ҳасрат маънисини кишининг хотирига келади. Бу ахвол ўзга мазорларда йўқдир», деди. Менинг хотирамга ҳеч қандай жавоб келмади. У киши ҳам [бошқа] бир нима демади. Ва яна унинг мақомларидан бири шулким, у кишининг замонида бир золим подшоҳ бўлиб, халқ унинг зулмидан шайхга илтижо қилган. Шайх тубдан бир қамон ясаб, ўша золим [подшоҳ] томонига қаратиб отди. Ўша куни у золим хароб бўлди. Хазрат шайхнинг рухониятидан мақсадларнинг ҳосил бўлиши шафоати очик кўриниб турарди.

Ўн тўққизинчи. Имом Нажмиддин Насафий мазори ҳам Чокардизада шайх Абу Мансури Мотуридий мазорининг яқинидадир. Баъзилар Умари Насафий мазори Абдуллох ибн Умар масжидининг ташқарисидадир дейдилар.

Йигирманчи. Мавлоно Бурхониддин Маргилоний мазори. Ул киши «Хидоя» китобининг эгаси бўлган. Ушбу Бурхонуддин Маргилонийнинг қабри ҳам Чокардиза қабристонига, катта кўчанинг кунботари ховузига ўхшаган чуқурнинг ёнидадирким, шу катта йўл ўша ховуз орқали [шарқий-шимолга қараб] ўтади. [Мавлоно] Бурхонуддиннинг қабри [ўша] катта йўлнинг жануб тарафига, пишиқ гиштдан қилинган баланд суфададир. Мавлоно [Бурхониддин] Нажмиддин Умар ан-Насафийнинг шогирдидир. У Фахр ул-ислом Али Паздавийнинг шогирди. Ул киши имом Шамс ул-аима Халвоийнинг шогирди, ул-имом Али Саъдийнинг шогирдидир. [Имом Али Саъдий эса] имом Халил Абу Бакр ибн Фазл ал-Бухорийга, у эса имом Абдулла ибн Яъқуб Саъидга шогирдидир. [У киши] Абу Хафс Сагири Бухорийнинг шогирди, [Абу Хафс Сагири Бухорий] ўз отаси имом Абу Хафс Кабири Бухорийга, у [эса] Мухаммад Хасан Шайбонийга, [у] хазрати Имоми Аъзам Абу Хани-фага шогирдидир. [Абу Ханифа] илми имом Хаммод ва Иброхим Нахафийдан олди. [Иброхим бўлса] имом Алкамадан, у Абдулла Масъуддан, Абдулла Масъуд эса хазрат Пайгамбардан, унга Тангрининг салот ва саломлари бўлсин, таълим олган. Мавлоно Бурхониддин аср чоғида, душанба куни ражаб ойининг саккизинчиси 515 [1121 йил 23 сентябрда, сешанба куни] тугилиб, 544 [1149-50] йилда зиёрат учун хажга бориб қайтди. Зу-л-қаъда ойининг 4-си 573 йили [1178 йил 24 апрелда] Самарқанда «Хидоя» китобини ёзиб битказди. Сешанба кечаси 14-зу-л-ҳижжа ойи 593 йили [1197 йил 29 октябрда] ёруғ дунёдан тупрок маҳалласининг қоронгулик хонасига кўчди, унга тангрининг раҳматлари бўлсин.

Йигирма биринчи. Самарқандлик шоир Ҳаким Сўзанийнинг қабри ҳам Чокардиза қабристонига, шайх Абу Мансур мазорининг яқинидадир. Имом Шихобуддин Умар

Насафийнинг кўрсатиши бўйича, унинг вафоти 566 [1170-71] йилдадир.

Йигирма иккинчи. Хазрат Исмоил шайх мазори. [Ушбу мазор] шаҳар ичида, турклар Култепа деб атайдиган тепа-нинг шимолидадирким, шу мазор ушбу тепани хазрат шайх Абу Мансур мазорига бориладиган катта йўлдан ажратади. Исмоил шайх хазрат Нажмуддин Кубаронинг халифаларидан экан.

Йигирма учинчи. Дарвиш Холид мазори. Дари Занжир маҳалласидадир. У Хусайн Хоразмийнинг халифала-ридан бўлиб, сулуки жаҳрия экан. Дари Занжир Амир Темур кўрагон хотинининг работи бўлиб, Чокардизанинг гарб томонида ва мусулмонларнинг кабристонига туташган.

Йигирма тўрт. Яъқуб Абу Лайс мазори. Яъқуб Абу Лайс самаркандлик факих хазрат Абу Лайс насландир. [Унинг] қабри факих Абу Лайс маҳалласида. Дари Занжир маҳалласининг жанубидадир. У киши мазорининг зиёрати сербаракотдир.

Йигирма бешинчи. Хазрат Саййид Бакри-д-дин мазори. Бу кишини турклар Тегирмончи ота деб атайдилар. Унинг мазори Ялангтўшбий маҳалласида, Яъқуб Абу Лайс мазорининг яқинида, гарби-жанубий бурчагида, ундан юз одим чамаси олисроқдадир. Дерларким, Саййиднинг масжидида дуо қабул бўлур. У турк шайхларидан экан. Хазрат султон авлиё Хожа Аҳмад Яссавийнинг тегирмончилик ишлари Саййид Бакри-д-динга тегишли бўлган. Бу гумном роқим юзини ул кишининг остоналарига суркардим ва кўпдан-кўп кушойишларни кўрардим, ул кишига худонинг раҳмати бўлсин.

Йигирма олтинчи. Мавлоно Дарвиш мазори. Самарканд ичида, мавлоно Маҳдуми Хоразмий маҳалласида, шайх Абу Мансур Мотуридий мазорига бориладиган катта йўлнинг жанубида, Маҳдуми Хоразмий авлодлари гумба-зининг шарк томонида ва ундан юз одим чамаси олисроқдадир. У «Хидоя» китобининг муаллифи мавлоно Бурхон уд-диннинг шогирдларидан эди. Хазрат мавлоно Дарвишга холу колдан голиб бўлган миллат ва дин голиби хазрат Хожа Убайдуллох Аҳрор кўпинча хазрат мавлоно Дарвиш мазорининг зиёратига келар эди. У кишининг [мавлоно Дарвишнинг] мазори сербаракотдир. У кишига Тангрининг раҳмати бўлсин.

Йигирма еттинчи. Хожа Муҳаммад Фазлий Шакикий Балхий мазори. Шаҳар дарвозаси бўлган ва бурунги замонларда «Фируза дарвозаси» деб аталадиган Каландархона дарвозаси ёнида, шаҳар ичида, кўргон деворининг яқинидадир. Ушбу мазор шу от билан машҳур бўлса-да, лекин Хожа Муҳаммад Фазлий Шакикий Балхий мазорининг Балхда эканлиги белгиликдир, яна Тангри яхши билади.

Йигирма саккизинчи. Хазрат Хожа Авлиё мазори. Хазрат Хожа Аҳрор, сирлари муқаддас бўлсин, мадрасасига бориладиган катта йўлнинг кунчиқарида, шаҳар ичида, хонакоҳ маҳалласидадир. Хожа Авлиё даҳбедлик Маҳдуми Аъзам наслдан бўлиб, шайхликда Бобо Зайнуддин Хиндийга ҳам муридлиги бор эди... Хожа Авлиё мазорининг шимол томонида ўзга бир мазор бордир. Лекин кимники эканлиги белгулик эмас. Бу кишининг мазори нурли ва сербаракотдир.

Йигира тўккизинчи. Хазрат Хожа Нисбатдор мазори. У шаҳар ичида, катта кўчанинг кунчиқарида, Сўзангарон дарвозасининг яқинидадир. Таржимаи холи белгилик эмас.

Ўтининчи. Хазрат Саййид Ошиқ мазори. [У] шаҳар ичида, хавзи Жомеъким, хавзи Сангин деб [хам] аталадиган маҳаллада, ховуздан 200 одим чамаси олисроқда, катта йўлнинг жануб томонидадир. Саййид Ошиқ Самаркандда Улугбек мирзо замонида вазъ айтмоқ билан шугулланар эди. Айтадиларким, бир кун Саййид [Ошиқ] Мирзо Улугбек олдида жуда каттик тил билан ваъз айтди. Улугбек мирзо: «Эй Саййид! Мен ёмонроқми, Фиръавн», деб сўради. Саййид: «Фиръавн», деб жавоб берди. Мирзо яна «Сиз

яхшироқмнсиз, ё Мусо?» деганда, Саййид: «Мусо алайхи-с-салом», деб жавоб кайтарди. Сўнгра Улугбек мирзо айтди: «Тангри таоло Мусога яратилмишларнинг энг ёмони бўлган Фиръавни тўгри йўлга уннаганда, «каттиклик билан аччик сўзламагил, балким юшок ва чучук тил билаи гапиргин», деб буюрди. Энди сиз Мусодан ортиқроқ бўлмай туриб, Фиръавндан ёмонроқ бўлмаганим холда, менга каттик тил билан гапирасиз»,. Саййид бу сўзни эшитгач сукут килди ва индай олмасдан хайрон бўлиб колди. Бир азиз: «Саййид учун жавоб беришга йўл бор эди, лекин подшоҳ салобатидан жим колган бўлса керак», дейди. Миллат ва дин голиби хазрат Хожа Убайдуллох Ахрор, унинг сири муаззаз бўлсин, айтганларки, [хазрат Саййид Ошиқ] ваъз мажлисида яхши сўзлар эдилар. [У киши] яна деганларким, бир киши тушида хазрат Мусо алайхи-с-салом кабрига бориб зиёрат килган. У ерда [Мусони эмас, балки] хазрат Саййид [Ошиқ]ни кўрган. Ўттиз биринчи. Хазрат Хожа Мухаммад Котонгу мозори. [У] Кабз мозори деб машхур бўлган. Бу мазор шаҳар ичида, Шердор мадрасасининг ташкари сахнидадир. Дерларким, у хазрат султон Хожа Ахмад Яссавий наслидан ва турк шайхларидан эди. Баъзилар ушбу мазор эгаси Хожа Мухаммад Даштинаботийникидир, дейдилар. Даштинабот Хисори Шодмон вилоятида бир ўриндир. у кишининг кароматларидан бири, хайвон ва инсоннинг сийдиги тўхталиб колса, шу мазорнинг теварагидан айлантирилса, дарров согайиб кетгусидир. Бу кўздан кечирилгандир. У кишининг мазорлари сербаракотдир. Ўттиз иккинчи. Мавлоно Абу-л-Макорим мозори. Тиллакорий жомеъининг кунботар томонида, ундан 200 одим чамаси олисроқдадир. Абу-л-Макорим «Мухтасари виқоя»га шарх ёзганлардан бўлиб, Мухаммад Шайбонийхон [шоҳ] Будок султон ўгли замонида фикх илмида замонанинг биринчи олимларидан эди, Шайбонийхон у кишидан бир кийин масала тўгрисида фатво сўраганда, у жавоб ёзмади. Шунинг учун Шайбонийхон тажрибасизликдан буюриб, у кишини арра билан шахид этдирди. Дерларким, ўзи ҳам бир неча кундан кейин Марвда, шоҳ Исмоил Сафавий билан бўлган урушда килич дами билан боши кесилиб, шахид бўлди.

Ўттиз учинчиси. Хожа Охирий мозори. Шаҳар ичида, Новадон булогининг тепасида. Новадон булоги ариги ва Самарканд ўрдасининг кунчиқар томонидаги деворининг каршисидадир. Ўрда кўргони девори билан хожа [Охирий] мозори орасида Новадон ариги ўрталикдир. Ушбу хожанинг ахволи белгилик эмас ва ҳеч кишидан эшитилмаган ҳам.

Ўттиз тўртинчиси. Хазрати Хожа Абу-л-Фазл Балхий мозори. Бу кишининг кунъяти Абу Абдуллохдир. Мозори шаҳар ичида, [унинг] шимоли гарбийсида, Пойкабок дарвозаси яқинидадир. Хожа Абу-л-Фазл саййид, олим ва очик кароматли, ойдин даражалар эгасидир. Балхдан Самаркандга келган, бунда козилик мансабига кўйилган. Бир оздан сўнг Арабистонга сафар килиб, хажж этгандан кейин, яна Самаркандга кайтиб келибди. [Насаби] Сиддики Акбар [Абу Бакр]га туташади. Хожа Абу-л-Фазл хазрат имом [Мусо] Козим наслидан бўлган Жалол уд-дин Багдодий ибн Саййид Мухаммад Муслим кизига уйланди. Ундан Хожа Абу-л-Бокий тугилди. Ундан Хожа Саййид Ашраф, ундан хожа Саййид Низом уд-дин, ундан хожа Саййид Али, ундан хожа Саййид Имод уд-дин, ундан хожа Шамс уд-дин, ундан амир Шихоб уд-дин, ундан мир Абу-л-Бокий, ундан Хожа Мир Бокий, ундаи Хожа Абд ул-Мўъми, ундан Хожа Абд-ул-Фаттох, ундан Хожа Шох Мирхожа, ундан Мохпора бегим деган киз тугилди. Ушбу Мохпора бегим уламолар устоди ва фозиллар саййиди хазрат мавлоно Файзий ибн хазрат Мавлоно Орифга турмушга чиқди. Мана шулардан замона олимларининг аълами жаноб мир Абд

ул-Хайрхожа тугидди. Мир Абд ул-Хайрхожадан Самарканд шайх ул-исломи ва бир неча китобнинг муаллифи бўлган жаноб Мир Абд ул-Хайрхожа тугилди, ундан Самарканд кози калони хазрат Мир Абу Саъидхожа тугилди. Ундан ушбу китобнинг муаллифи мен — Абу Тохирхожа тугилдим.

[Яна бир мазор] Хазрат мавлоно Файзийнинг мазори. [Ушбу мазор] Шахрисабз вилоятида Амкана [Хожа илм кони] деган ўринда, Хазрат хожа Амкан мазористонидадир. Мир хазрат мавлоно Абд ул-Хайрхожанинг қабри Самаркандда хон Саййид имом ғўристонидадир. Хазрати мавлоно Мир Абд ул-Хайнинг қабри Носир ал-миллат ва аддин Хожа Убайдулло Ахрор мазористонида бўлиб, Хожа Ахрор мазори тафсилоти ёзилганда кўрсатилади.

Ўттиз бешинчи. Хазрат Хожа Мухаммед ибн Восеъ мазори. Шахар ичида Хазрати Шох дарвозаси деб аталадиган Оханин дарвозасига бориладиган катта йўлнинг шарк томонида, шахар кўргони деворининг остидедир. Бу кишини Хазрати Шох ёронларидан дейдилар. Ушбу мазор ёнидаги масжид дуо қабул қиледиган ўриндир.

Ўттиз олтинчиси. Хазрат Мавлоно Зоҳид Афкори Самаркандий мазори. Хозирда Хазрати Шох дарвозаси деб иомланедиган дарвозанинг табакаси орқасидедир. Дерларким, мавлоно қирк чилла ўлтириб, жинлар ва фаришталарнинг кўпчилигини ўзига қаратиб олган. Мавлоно [тириклик] кунларида Самаркандда каттик қахатчилик бўлди. Мавлоно [буни дафъ қилмоқ учун] хужрасининг деворига алифлар шаклидан халка яседилар. Тамоми шахар ахлининг бўш қолган хоналари бугдой билан тўлиб, барча маъмур ва мўл-кўл бўлиб кетди. Баъзи кашф ахллари мазкур дарвозадаги мазор мулло Саккокийнинг қабри, деб тасхир қилганлар. Эҳтимол, бу кейинги [ёки] аввалги лақаблари бўлса, яна Тангри билади.

Ўттиз еттинчиси. Хожа Жонхожа мазори. Шахар ичида, Амир Темур масжиди жомеъининг (Бибиҳоним) кунботар томонида, унинг яқинидадир. Хожа Жон, хазрат Охундий Азизоннинг халифаларидандир. Охунднинг таржимайи холи «Ламаҳот» китобида бор. (Хазрат Олим Шайх авлиёлар мақомоти ва хазрат Султон хожа Аҳмад Яссавийнинг Султония силсиласида ёзилгандир).

Ўттиз саккизинчиси. Хазрат Амман Шох мазори. Катта кўчанинг кунботар томонида Хожа Жонхожа мазорининг яқинида, бир оз жанубий бурчакка мойилдир. Хожа Жонхожа мазори билан Амман Шох мазори ораси 300 одим чамаси қелади. Бу кишининг хазрат шох Қусам ибн Аббоснинг аммаси эканлиги машхурдир. Яна Тангри яхши билади.

Ўттиз тўққизинчиси. Хазрат Хожа Зудмурод мазори. Шахар ичида Амир Темур кўрагон жомеъидан (Бибиҳоним) Пойкабок дарвозасига борадиган катта йўлнинг жанубидандир. Ушбу мазор эл аро хазрат Жиржис пайгамбар мазори деб машхурдир. Хазрат Жиржис пайгамбар қабри Мўсул вилоятидандир. Бир азиз «бир исмининг бу иккаласи орасида ўрток бўлганидан шундай машхур бўлгани эҳтимолдир» дейди. Айтадиларким, бу мазорга сигинганларнинг тилақлари тезлик билан борлиқка чиққанидан «зуд-мурод», деб аталгандир. 1249 хижрийда (1833-34) усто Мухаммад Шариф дегрез шу мазорнинг тевагагида юксак ва безаклик бир айвон солиб, сутунлардан биринчисини чуяндан филпоя қилиб қўйиб ўрнатди.

Бундан бошқа, Самарканд шаҳрининг атрофидаги ва тоғ-ларидаги мазорларнинг қабр аломатлари қолмагани учун бу ерда зикр қилинмади. Самарканда халифа хазрати Усмоннинг, Тангри ундан рози бўлсин, «Қуръон»и бор ва халифа шу «Қуръон»ни ўқиб турган чогида шахид қилингандир. Халифанинг тўқилган муборак қони изи хали хам шу «Қуръон»нинг остида бор. Ушбу «Қуръон» ни Амир Темур кўрагон қелтириб ўз



дахмасида кўйган эди. Вилоятнииг бузукчилик чогида у ердан олиниб хожа Насриддин Убайдуллох Ахрор мадрасаси (Мадрасаи сафед)да кўйилди. Ушбу «Куръон» кийик терисига куфий хат билан ёзилган. Халифа Усмоннинг кутлуг кони кора-кизилтусда кўриниб турибди. Халк ушбу «Куръон»ни муборак билиб, зиёрат этишади.

### Самарканд тумонларидаги мазорлар

Энди шаҳардан ташкари, шаҳар музофотида бўлган мазорларнинг ўринларини кўрсатамиз ва улар тўғрисида маълумот берамиз.

Хазрати шох мазори. Шаҳардан ташкари бўлса ҳам, уни бошида ёзиш муносиб кўрилди. Унинг этагида, ерлари ва ўринларинииг якинлигидан, бир-бировларига муносабатли бўлганларидан, Мухаммад ибн Малик Аштар, хожа Абу-л-Хасан [Абу-л-Хусайн — Абу-л-Хусно], хожа Мухаммад санграсон ва хазрат хожа Готфар мазорлари ҳам белгиланди.

Энди шаҳар ташкарисидаги мазорларни кўрсатмоққа бошлаймиз.

1. Хожа Дониёл мазори. Шаҳар ташкарисида, шимол томонда Афросиёб кўргонининг кунчиқар томонидаги рахнасида, Сияхоб аригининг ёкасидадир. Авом уни Дониёл пайгамбарнинг кабри дейди, лекин у (Дониёл)нинг мазори Мўсул вилоятидадир. Дерларким, у (Дониёл) Аббос ўгли хазрат Кусамнинг, Тангри ундан рози бўлсин, ёронларидан эди ва шу ерда кўмилгандир. Кабрнинг нишонаси учун [кабр устига] дарё тошидан тўкиб кўйилгаи. У кишининг мазори сербаракотдир. У зотнинг мизожидан муборак бошлари [тарафидан] Сияхоб аригидан якин ердан [бир] булок чиқиб, Сияхоб аригига куяди. Халк [уни] табаррук билиб ичадилар ва чўмиладилар ва [уни] кўп касаллар ши-фосига сабаб деб биладилар. У кишига Тангрининг раҳмати бўлсин.
2. Хазрат Хожа Пири майдон мазори. Боги майдон кишлогиде, Афросиёб кўргонининг яқинида, шимол томондан Оби Раҳмат ариги [билан] Сияхоб аригининг ўртасидадир. Ушбу мазор эгасининг оти Хожа Рашид Валий эрур, ўзи худопарастлардан экан. Ва яна у кишининг мазори шаҳардан ташкарида, шаҳарнинг шимолий тарафида бўлиб, гоятда сербаракот ва нурлар манбаидир, у кишига раҳмат бўлсин. Азизларнинг остоналарига ёлворувчи мен у зотнинг мазорига кўп борар эдим ва ишимда [ундин] кушойишлар топар эдим.
3. Хазрат Бобо Собит мазори. Шаҳар ташкарисида, шимол томонда, расадхона тепасининг куйисида ва Оби Раҳмат аригининг ёкасидадир. У Хожа Баҳо ва-д-дин Накшбанднинг, сирлари муқаддас бўлсин, халифаларидан экан.
4. Дахбедлик хазрат Махдуми Аъзамнинг ўгли хазрат Хожа Исҳоқ валий мазори. Шаҳар ташкарисида, шимол томонда, Боги баланд кишлогиде, Амир Темур кўрагоний чорбоги хавзининг ёнидадир. Хожа Дахбедга карашли бошка кишлоклардан бўлган Сафеддукда кўмилган экан. Замоннинг ўтиши билан Кўҳак дарёси хазрат хожанинг мазорига яқинлашгач, ўгли Абдуллохожа унинг суякларини у ердан олиб, дарёдан кечириб, ўз кишлоклари бўлган Боги баландга келтириб кўмди. Хожа Исҳоқ отасининг ўлими чогида ёш бола эди. Отасининг халифаларидан бўлган мавлоно Лутфуллох [Чустий] кўл остида тарбия топиб, камолотга эришди. Кўп йиллар йўл кўрсатиш ўрнига ўлтириб халкни

такомиллаштирди. Хожа кўп йил умр кўрди, камолот ва холати чекдан ташкаридир. Кенг таржимайи холи ўзининг мақомотиға ёзилгандир. Кошгар музофотидаги эл, ота-боболаридан бери, хожа муридлиги исиргасини кулокларида токиб олганлар ва унинг авлодиға ўзларини фидо этгандирлар. Хожанинг ўлими 1007 [1598-99] дадир.

5. Хожа Гунжора мазори. Шахарнинг ташкарасида, хожанинг ўз оти билан аталадиган кишлокда, шимол томондадир. Ушбу мазорнинг нишонаси устида узунча ясалган соғонасидир. Лугатда кизил юзлик кимсани «гунжора» дер эканлар. Унга Тангрининг раҳмати бўлсин.

6. Хожа Мургон мазори. Бу мазор ҳам бояги Хожа Гунжора кишлогидадир. Бу ном билан аталиши тўғрисида айтадиларким, фаришталар куш шаклида кириб келиб, шу хожадан тарикат йўлини ўрганишар эмишлар.

7. Мотурид кишлогида, катта йўлнинг шимолида, шайх Абу Мансурнинг богчаси бордурким, «Кадамжойи шайх» номи билан машхурдир. Шу богчада «Лисон ул-асфур» деб аталадиган жуда эски бир дарахт бор. Унинг мевалари форс тилида «забони гунжишк», яъни чумчук тили деб аталади. Ушбу дарахт кутлуг билиниб, халк тамонидан зиёрат этилади.

8. Хожа Гулом мазори. Шахар ташкарасида, Хожа Гулом деб аталадиган маҳаллададир. Айтадиларким, хожа ўлгандан кейин ушбу маҳаллада кўмилди. Ундан сўнг хожанинг кули ўлди; уни хожанинг оёғи остиға кўмдилар ва устиға туг кўтардилар. Келаси кун келиб кўрсалар, кулнинг қабри уст, хожаники эса ост томонға ўтибдир. Хозирда ҳам шундайдир. Унинг мазори нурға чўмган.

9. Солихлар кутби, яхшиларнинг суянчиги хазрат Хожа Убайдуллох Ахрор, сирлари муқаддас бўлсин мазори. Шахар ташкарасида, ундан икки чакирим чамаси узок-дадир. Хожа Убайдуллох Ахрорнинг лақаби Носир уддин бўлиб, насаби Умари Хаттобға эришади. Бу киши асли Тошкент вилоятидан бўлиб, султон Абу Саъиднинг истаки ва илтимоси билан Самарқандға кўчиб келиб, Хожа Кафшир маҳалласида тура бошлади. Хожа Кафшир шаҳарнинг жануб томонида ва бир тошнинг учдан бир улуши [4000 кадам] чамаси олисроқдадир. Хожа Ахрор хазрат мавлоно Яъқуб Чархийнинг муриди бўлиб, у (бухоролик) хазрат Хожа Баҳо ва-д-дин Накшбанднинг муридидир. Лекин мавлоно Яъқуб тугалликни хазрат Хожа Ало ва-д-дин Аттордан топган. Хожа Ало ва-д-дин Аттор хожа Баҳо ва-д-диннинг халифаси эди. Хожа Ахрор шайхлик йўлини касб этиб юрган чоғларида, Хирот, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига сафар этиб, ўша замонинг шайхлари бўлган Сайид Косим, мавлоно Низом ид-дин Хомуш, шайх Баҳо ва-д-дин Умар сингари зотларнинг суҳбатларига етишди. Энг кейин мавлоно Яъқуб Чархийға йўлиқиб, мурид бўлди ва у кишидан тугаллик топиб, замоннинг биринчиси ва жаҳоннинг тенгсиз бир кишиси бўлди. Чунончи хазрат мавлоно Абдурахмон Жомий унинг номиға ёзган «Тўхфат ул-ахрор» китобида айтадиларким:

Зад ба жаҳон навбати шаҳаншоҳий

Камкабаи факри Убайдуллохий,

Он ки зи хуррияти факр оғах аст,

Хожаи Ахрор, Убайдуллох аст.

Таржимаси:

Дунёда подшоҳлик нақорасини чалди,

Убайдуллох факрининг шавкати.

Факрининг эркинлигидан хабардор бўлган кимса,

Эркилларнинг эғаси бўлган Убайдуллохдир.

Ўзга бир китобида айтилган:

Хожаи хожағони короғох,  
Киблаи мукбилон Убайдуллост.

Таржимаси:

Хожалар корхонасининг хожаси,  
Бахтлиларнинг кибласи Убайдуллохдир.

Шунга ўхшаш, хожанинг таржимайи холи, даража ва кароматларини билдирувчи мавлоно Мухаммад Козининг «Силсилат ул-орифин» ва мавлоно ас-Сафий,нинг «Рашахот» номлик китоблари бордирким, уларни кўчиришга бу рисолаининг саҳифалари торлик килади. Барча кучли ва азаматли хоконлар хожага куллик, фармонбардорлик ва ихлоскашлик камарини белларига боғлагандирлар. Хонлар, бошларида хонлик жигаси ва белларида подшоҳлик камари бўлган холда, унинг узангусида яйов югурар эканлар. Хожанинг эшигидаги хизматчиларга қарши озгина одобсиз-ик кўрсатган киши давлат ва мамлакатдан, балки тириклик ва соғлиқдан ажралиб, замонанинг ибрати бўлур экан. Валоят ва тасарруфининг кучлилигидан халқнинг ичи ва тошига эга бўлиб, истаган йўлига бошқарар экан. Хожа ички ва ташки гўзалликлар билан безанган бўлиб, ички нисбатида шунча ширинлик бор эдиким, унинг бандига тutilганларга туганмас лаззат ва битмас халоват муяссар бўлур экан. Чунончи, бунинг шохиди мазорининг зиёрати-дирким, ўлган кўнгилни ва титилган юракни тирилтиради, Унинг қабри юзланган кишига янги тириклик ва сонсиз қувонч бағишлайди.

Байт:

Чун равзаи хожа фоизи анвор аст,  
Манзилгахи кутбу мажмаъи аброр аст.  
Хуррияти хар ду қавн гардад хосил,  
Хар қас қи гуломи Хожа Ахрор аст.

Таржимаси:

Хожанинг мазори ёруқликлар берувчи бўлгани учун,  
Кутбнинг ўрни ва яхшиларнинг йигилиш жойидир.

Хожа Ахрорнинг қули бўлган кишига  
Икки дунё эркинлиги муяссар бўлгусидир.

Бу ихлос ерининг тўшаги [яъни Абу Тохирхожа] кўп вақтдан бери қумридай у мазорда бўйин боғлиқдир ва булбулдек у бўстонга тутунмишдир. Бир қуни у бўсогада юракнинг ёнишидан юзимни унинг мазоридаги тўшанган тошларга суйқар эдим, хавз бўйида ва Тубига ўхшаш дарахтлар остида ушбу газални айтиб битдим:

Қуйи ту қист? Қаббаи дор ул-қарори файз,  
Сахнат бихишту марқади покат хисори файз!  
Нур аст баски турбати қудси шиори ту,  
Бинавишта гирди лавҳи ту: хозо мазори файз!  
Жуз ажз нест борғахи худоро ниёз,  
Хоқи дари ту гаштаму, гаштам дучори файз!  
Ё хожаи вали зи ту дорам таваккуве  
Ман нахли хушқу лутфи туам обери файз!  
Аз лутфи хеш ин қадарам ташналаб мадор,  
Субҳи дамидаи қи барам интизори файз!

Таржимаси:

Ётган жойинг нимадир? Файзнинг қўнар қаббасидир,

Сахнинг беҳишту, пок кабринг яхшиликнинг кўргонидир.  
 Сенинг покиза турбатинг равшан бўлгани учун,  
 Кабринг тоши теварагига «бу яхшилик мазоридир», деб ёзилган,  
 Поклик эшигига, тубанликдан ўзга тортик йўқдир,  
 Сенинг тупрогинг бўлиб, яхшиликка йўликдим.  
 Эй, вали бўлган хожа! Сендан бир ўтинчим бор.  
 Мен курук бир ёғоч, сенинг файзли аригингдан сув ичаман.  
 Лутфингдан мени бунча сувсатиб кўйма,  
 Сен ёриг тонгсан, бу ахволда файзни кутиб туришимга хожат колмас.  
 Хожа Ахрор кўп йиллар яшади. 895 [1490] йилда ражаб ойининг биринчи кечаси,  
 жумъадан кайтишли шанба окшоми гурубдан бир ярим соат чамаси ўтган вақт [22 май  
 1490 й.] у бахтликларнинг кибласи ва орифларнинг орифроги Самарканднинг жанубий  
 тоғи этагида бўлган Камонгарон кишлогига, шанба окшомида ўлди. Унинг жасади у  
 ердан келтирилиб, ўзининг тураржойи бўлган Хожа Кафшир махалласида, «Муховатаи  
 муллоён»нинг ташкарисида тупрок харамсаройининг хилваткадасига кўмидди.  
 «Шайхлик йўлининг йўлбошчиси колмади» мазмунида бўлган «Намонд муршиди рох» сўзи  
 ўлимининг таърихидир [895/1490]. Хожанинг рухониятидан авлоди ва Самарканд  
 халқини химояти йўлида киши хайрон коларлик тасаввуф асарлари кўринади. Хожанинг  
 суҳбатдош ва халифаси кўп. Улардан бирови «Силсилат ул-орифин» китобининг  
 муаллифи ва дахбедлик хазрат Махдуми Аъзамнинг пири бўлган мавлоно Мухаммад  
 Козидир. [Ул хазрат] хожа мазорининг ёнида кўмилган, кабри хожа мазорининг  
 куйисида, жануб томонда, хожа оёгининг тушма-тушидадир. Мавлоно кабрининг устида  
 дарё кирларидан майда кайрок тошлар [келтириб] тўкканлар ва уларнинг кабри  
 нишонаси ҳам шудир. Хожанинг ўзга халифалари ҳам кўпинча уларнинг хазирасида  
 кўмилгандирлар. Бунинг тафсилоти «Рашахот» китобида айтилган. Шунга ўхшаш  
 муаллиф ва бир талай асарларнинг муаллифи бўлган мавлоно Исмаилов кабри ҳам  
 хожа хазирасидадир. Мавлононинг ўлими 1009 [1600-01]дадир. Яна фазл эгаларининг  
 каймоғи ва «Тарихча» (хазирда «Таърихи Саййид Роқим» номи билан машхур)  
 китобининг муаллифи бўлган Мир Саййид Шариф Роқимнинг кабри ҳам хожанинг  
 хазирисида, бобоси хожа Исомиддин ибн хожа Низомиддин ибн мавлоно Махмуд  
 Гилонийнинг кабри ёнидадир. Яна Султонхон хожаи шайх ул-исломнинг кабри Хожа  
 Ахрор хазирасининг жануб томонидадир. Бу киши Хожа Ахрор наслидан бўлиб, хожа  
 мазорининг мутавалийси экан ҳамда Фарғонада хожа калонлик, Самарканд ва Бухорода  
 шайх ул-исломлик мансаби билан имтиёз топган экан. Форсий ва туркий тилда мазалик  
 шеърлар ёзган, девони бор, тахаллуси «Адо»дир. 1251 [1835-36]да Бухорода ўлди.  
 Ўлигини ундан Самаркандга келтириб хурматлик бобоси (хожа Ахро;э)ёнида кўмдилар.  
 Яна кози калон ва шайх ул-ислом мавлоно Мир Абд ул-Хайй хожанинг кабри ҳам шу  
 кабристонда, Хожа Ахрор мазорининг шимолидаги Нодир девонбеги мадрасаси  
 жануби-шарқий бурчагининг тушма-тушидаги белгулик тепача устидадир. Мавлоно кабри  
 билан Мадраса девори ораси 60 кадам чамаси келади. Мавлоно турли билимни  
 билувчи эди. 1169 [1755-56] йилда тугилди. 74 йил тирикчилик килди ва 1243 [1827-28]  
 да ўлди. Самарканд шаҳрида 40 йил козилик килди. Умрининг сўнгги кунларида илашган  
 фалаж касалининг муддати 13 йил эди. Шу касаллик чоғида «Хавошии Шофийи бар  
 шархи Байзовий», «Сахеи Бухорий»нинг форсийча шархи», «Забури Довуд»нинг  
 форсийча таржимаси, «Ах-локи Баходурхоний», «Хидоя» шархининг шархи»  
 китобларини тасниф килди. Мавлоно Абд ул-Хайй ўлгандан кейин, ақл ва накл

илмларнинг барчасини билгувчи унинг ўгли мавлоно Абу Саъидхожа отаси ўрнида Самаркандда кози калон бўлди. Кўпинча Амир Хайдар уни Самарканддан Бухорога олдириб келиб, Бухоро муллалари билан мунозара этдирар эди. Ул кол илми ўз замонасининг бармок билан кўрсатилган бир кишиси бўлиб, унинг олдида барча уламо таслим бошини эгиб турар эдилар. Ушбу рисоланинг ёзгувчиси бу гумном муфтий Абу Тохирхожа бояги кози калон Абу Саъидхожанинг ўгли бўлиб, бу денгиздан бир томчи ва бу дарахтдан бир мевадир. Лекин хаёсиз бир томчи ва уятлик бир мевадир.

10. Шайх Абу Саъид обрез мозори. Хожа Ахрор хазирасининг якинидадир. У Бобо обрез наслдан. Бобо обрезнинг кабри Чокардиза кабристонидадир. Уни (Бобо обрезни) шунинг учун «обрез» деганларким, у менинг рухим Одам ато тупроги устига сув кўйгандир, дер эмиш.

11. Хазрат Хожа Абди берун мозори. Шахарнипг тошидаги махаллада, шахардан бир тошнинг учдан бири чамаси олисликда ва жануб томондадир. Нодир Мухаммад девонбеги унинг мозори устида кенг бир хонакох ва бир неча хужра солдирган. Дерларким, у (Хожа Абди берун) халифа Усмон, Тангри ундан рози бўлсин, авлодларидандир. Араб аймоқларидан бўлган «абди» кабиласига хам мансубдир Аслида бу лакаб самовийдир. Бу киши бурунгилардан. Накл бордурким, энг аввал Усмон ўгли Саъид Аббос ўгли хазрат Кусам, ундан Тангри рози бўлсин, билан бирга келиб, Самаркандни яраш йўли билан олиб, мусулмончиликни киргизди. Аббос ўгли Кусам шахид этилгандан сўнг, самаркандликлар эски динларига кайтдилар, токи Кутайба Марв йўли билан келиб шахарни камади; кахатчилик юз берди. Шунинг билан Кутайба Самаркандни иккинчи марта алдов билан олди ва элини энг сўнгги пайгамбар Мухаммаднинг,

унга салом ва салот бўлсин, ислом динига киргизди. «Девори киёмат» деб аталадиган, Искандар томонидан солди-рилгаи Самарканд кўргонининг ташкарисида бўлгани учун, уни хожа Абди берун отаганлар. Искандар калъаси билан унинг мозори ораси 500 одим чамаси бор. Баъзи тарих китобларида бордурким, Самарканд эли Кутайба кўшини билан каттик урушди. Кутайба шахар деворидан узоклашди ва Навбог деган ўринга бориб кўнди хамда ўрнашди. У ерда катта бир ховуз курдирди. Кўшини у ховузнинг теварагида ўрнашди. Хозирда ўша ховузни Кўли могиён дейдилар. Кутайба кўшини билан шахарни эгалламагунча ўша ерда, бир ривоятга кўра, тўрт ва, бошка бир ривоятларга кўра, етти ой — шахар фатх бўлгунча турди.

12. Хазрат хожа Абди дарун мозори. Шахар тошида, жанубий шаркий томонда, Мўлиёи махалласида, бурунги чоғларда «фато фатх» деб аталадиган ўринда, Искандар калъасининг ичидадир. Бу мозор билан Искандар кўргони деворининг ораси 1300 одим чамаси бор. Хожа Абди даруннинг асл исми Муъиз уд-дин бўлиб, хожа Мухаммад Яъкубнинг ўгли, у [эса] хожа Абди ибн хазрат Усмоннинг ўғлидир. Унинг (Хожа Мухаммад Яъкубнинг) лакаби «Хожа Ганжи равон» бўлиб, хожа Абди беруннинг ўгли экан. Хол билан кол билимларини тўплаган экан. Накл бордурким, у (Хожа Абди дарун) Самаркандда кози эди, унинг адолаг ва тўгрилиги шу даража юкори эдиким, ўзининг отаси бир вокеа тўгрисида гувоҳлик бермокчи бўлганда рад килди ва «Сиз бизнинг кичиклик чоғимизда подшоҳдик со-лиги берилмаган токдан мехмон учун узум узиб чикарган эдингиз, шунинг учун сизнинг тўгрилигингизга шубхамиз бор», деди. Хожа Абди дарун тириклик чоғида курбакани ёмон кўрар эмиш. Шунинг учун унинг мозори ховузи ичига курбака кирмайди ва бошка ховузларга хам унинг сувидан куйсалар курбакалари чикиб кетади. Унинг ховузининг лойи болаларда бўладиган чаккаларни йўкотади.

Иситиб боланинг чаккасига суркайдилар [ёхуд] истар чаккалик боланинг отига атаб унинг мозори деворига ёпиштирадилар. Айтадиларким, хожа [Абди даруннинг] мозори узра Султон Санжар Мозий томонидан курилган иморат ва куббалари бор эди. У бузилгандан кейин теурий султонларидан бирови уни кайтадан бино килди, хонакох ва хужралар солдирди. Ушбу, хозирдаги кошинлик иморати Улугбек мирзо замонасида солингандир.

Накл бордирким, Самарканднинг ташкарисида кунчикар томонидаги майдонда Кутурон [Катвон] даласида Султон Санжар Мозий билан корахитой кофирлари орасида катта уруш бўлди. Унда кўп мусулмон шахидланди. Султон Санжар давлатини инкирози Самаркандда шу урушдан бошланди. У шахидлар ўшанда кўмилдилар. «Гори ошикон» ҳам ўша ўринда. [Ундан аввал айтиб ўтилган] Кусамия мадрасаси ҳам Султон Санжар Мозийдандир.

Хожа Абди [дарун] мозорининг шимолида бўлиб, халк томонидан «Ишратхона» деб аталадиган юксак дахма улуг харам мастураси Давлат бека дахмасидир. Унинг онаси Амир Жалол уд-диннинг кизи Хабиба султон бегим ушбу гумбазни бино килдириб, турмоқ учун бир неча хужра соддир-гандир. Мавлоно Мухаммад Содикнинг [унга Тангрининг рахмати бўлсин] кабри хожа Абди дарун кабрисонидадир. Мавлоно Абдуллох Баходурхон салтанати чогида Самаркандда козилик мансабида эди. У 1006 [1597-98] йилда ўлди. «Фахри дин» сўзи ўлимининг тарихидир.

13. Хазрат Бобо хожи Сафонинг мозори. Шахар ташкарисида, жануби-шаркий бурчагида, Каландархона такяси деб аталадиган Каландархона махалласидадир. У киши кулох ва жандани Бобо хожи Абдулрахим каландардан кийган-лар. У [эса] шох Махмуд каландардан, у Мир шох каландардан, у Абд уш-Шахид каландардан, у Бобо Шох Мусофир каландардан, у Бобо Шох Саъид палангпўшдан, у Бобо Филмазиддан, у Сайид мир Жон каландардан, у Сайид Шамс уд-диндан, у Мир Жалол уд-диндан, у Мир Гиёс уд-диндан, у Мир Бугройи каландардан, у Сайид Бахромдан, у Сайид Хидуд, у [эса] Неъматуллохдан, у Шох Таййиб каландардан, у Мир Сурх каландардан, у Закариё каландардан, у Сайид Музаффардан, у жаноб фахр ул-аимма хазрат Сайид Абд ул-Кодир Жилоний гавс ул-аъзамдан, у [эса] Абу Ахмад Абдолдан, у султони Фурснофа Кушойидан, у Султон Иброхим Адхамдан, у Сайид Адхам Сакодан, у Маъруф Кархийдан, у эса ўз навбатида хазрат Сайид Али Мусо Ризодан, у хазрат имом Жаъфар Содикдан ва у хазрат имом Мухаммад Бокирдан, у хазрат имом Зайн ул-Обиддиндан, у кудрат ул айн расул ус-сакалайин имом Хусайндан, у бўлса отаси Асадуллох ал-голиб Али ибн Абу Толибдан ва у мохи мукаррам Хазрати мустафодан кулох ва жанда кийганлар. Хожи Бобо Сафо Макка шаҳрида ўрнашиб турган бир киши бўлиб, Самаркандда такя ва каландархона солдиргандир. У 1053 да ўлди. «Хатми актоб» сўзи ўлимининг тарихидир[1153/1740-41]. Махфий колмасинким, Бобо Хожи Сафодан мирзо Яъкуб исмли бир ўгил колди. Мирзо Яъкубдан эса беш ўгил колгани машхурдир. Улар [куйидагича]: Хожи Мирзо Ражаб, мирзо Каландар, Мирзо Мунаввар, Мирзо Рахим ва Мирзо Солихлардир. Мирзо Мунавварниинг кабри бобосининг зиёратгохи каландархонададир. Мирзо Каландарнинг кабри бўлса Фаргона диёридадир. Аммо Хожи Мирзо Ражаб настаълик хатида ўз даври-нинг пешкадамларидан эди, гоятда чиройли, дилнишин ёзар эди. Ва яна валоятнинг тамом лаззатининг чашмасини тортган эди. [Унинг] бутун шаҳарга шухрати кетган, дахр [ахли] унга мусаллам эдилар. Рум ва Мисрда ўз номига такялар бино этди. Окибатда Маккада туриб, ундан Мисрга кедди. Мисрдаги ўз такясида вабо касали билан оғриб Хакк [таоло] рахматига восил бўлди ва

хижрнй 1232 [1811-17]да Миср тупроги маконига кўшни бўлди. Тангри уни раҳмат килсин. 14. Хазрат Саййид Умарнинг файзли мозори. Шахарнинг жанубида, шаҳарга туташган Кавола маҳалласидаги аригнинг ёқасида, чинор остидадир. Саййид Умар Баховуддин Накшбанднинг пири бўлган хазрат Саййид амир Кулолнинг кенжа ўғлидир. Дерларким, у Амир Темур замонасида Самаркандда мухтасиблик мансабида эди. 803 [1400-01]да ўлди. Кейин у кишининг муборак жасадини Амир Темур даҳмасига келтирганлар. Даҳманинг кибла тарафидаги қабр у кишиники эканлиги таъйин қилингандир. [Атто] Кавола мавзеъидаги чинор тагини у кишининг қадам жойи деб эътиқод қиладилар.

15. Хожаи хожагон мозори. Кавола маҳалласида, Самарканд намозгоҳининг кунчиқар томонидадир. Унинг таржимаи холи белгилик эмас.

16. Мулло Хожа мозори. Самарканд шаҳрининг тошида, Хожа Абди дарун мазорининг жануб томонида, маҳалла кишлогига бориладиган катта йўлнинг яқинидадир. Таржимаи холи белгилик эмас.

Атто Самарканднинг атроф ва чегараларидаги машхур, сербаракот мазорларнинг кўпчиликларини бу улуглар муҳлисига маълум бўлганлари бу ерда келтирилади ва тайин қилинади.

17. Хазрат хожа Исхок Хатлоний мозори. Самарканд музофотида карашли Фон аталадиган тоғдадирким, унинг шун-дай аталувига сабаб ушбу тоғда Фон дейилган бир кишлокча ҳам борлигидир, Хазрат хожа Исхок Саййид Али Хамадонийнинг халифаларидан бўлиб, у эса шайх Нажм уд-дин Кубаронинг ўринбосарларидандир. Мана шу Фон тоғининг ўртасида бир гор бордирким, хожа шу гор эшигида ўлтирган ва кутлуг гавдаси кўмилмасдан ялангоч турибди; киндигигача қабутарларнинг тўқилган канот ва парлари билан ёпилган. Орқаси кунчиқар томон, юзи кибла сари, Исрофил карнайининг чалинишини кўзлаб турган кимсалар йўсинида турибди. У горниинг шифтидан томла-томла сув томади. Бир неча қадам гор ичкараси сари оқиб боргандан кейин қотиб тошга айланади. Дерларким, ундан кўнгил очадиган [ва] қувончли орттирадигон шободалар эсиб жонни тозалайди. Унинг хақиқий аҳволи ҳеч кимга маълум бўлмаган. Хожа гори эшигининг яқинида бир гул ёғочи бор эканким, йилда икки марта қизил гуллар очар экан. Унинг ўзга бир қаромати шулким, гор эшигини қанча тош ва лой билан беркитсалар [ҳам], қайтадан сабабсиз ўз-ўзидан очилиб кетармиш. Унинг мозори билан Самарканд шаҳрининг ораси 20 тош [160 қақирим] қамаси йўл.

18. Хазрат хожа Муҳаммад Башоро мозори. Бу киши «Банддор» лақаби билан машхур. [Бу мазор] Самарканд жерибига қарашли тоғларда. Самарқандлик хожа Абу-л-Қосим ўз таҳқиқотида ёзганким, хожа Муҳаммад Башоро ҳадис билгучилардан ва табаа тобеъин (яъни пайгамбарнинг суҳбатдошларини қўрган кимсалар билан қўришганлардан)дир. Унинг қабри Самарқанд жерибларидан бўлган Панжакентда. Унинг қабри ёнида турувчи шайхлар томонидан 764 [1362-63]да узунча бир соғона, баланд бир хо-нақоҳ солинди. Самарқанд шаҳри билан унинг мазорининг ораси 11 тош [88 қақирим] қамаси йўл. Бир азиз киши айтадиқим, Мовароуннаҳрда бўлган барча улугларнинг мазорларини зиёрат қилдим. Лекин Муҳаммад Башоро мазоридек қайс бағишловчи мазорни қўролмадим. Гўё тобон қуёшдек ва ёки равон соф дарёдекдир: у кишига Тангрининг раҳмати бўлсин.

19. Хазрат Хожа Абу Толиб Сармастнинг файз осор мозори. Жануб томондаги тоғда, Самарқандга қарашли жериблардан [бўлган] Ургутдадир. Ушбу мазор устида минорга ўхшаш узун ва йўгон чинор дарахтлари бор. Бу ерда бир теғирмон тоши сув берадиган бир булок, [ҳам] бор. 1207 [1792-93] йилда мазорнинг кунчиқар томонида илм эгаларини севгучи, минг уругидан бўлган Каттабек девонбеги катта бир Мадраса қолдирди. Хозир

талабаларнинг ўқийдиган бир жойидир. Абу Толиб Сармастнинг таржимаи холи белгилик эмас. У бурунги замон валиларидан. Самарканд шахридан унинг мазоригача беш тош [40 чакирим] чамаси йўл.

20. Хожа Амоннинг файз осор мазори ҳам Ургут кентининг бир махалласидадир. У бурунги замон валиларидан.

21. Хазрат Гавснинг файз осор мазори ҳам Ургутнинг бир махалласидадир. Дерларким, у кишида гавслик мартабаси пайдо бўлган экан. Мазори порлок нурлидир. Баъзилар бу ер гавснинг кадам жойидир, дейдилар.

22. Имом Фахр ид-дин хони шахид мазори. Турклар уни Шахсувор ота деб атайдилар. Бу мазор Шовдор туманига карашли Жумабозор кишлоғида, Даргом катта аригининг яқинидадир. [У] ханафий мазхабининг йирик мужтахидларидан эди. Самарканд шахридан унинг мазоригача уч тош [24 чакирим] чамаси йўл.

23. Хожа Амир Хусайн мазори. Амир Хусайн хазрат мавлоно Низом ид-дин Хомуш алайхи-р-рахмининг, унга Тангрининг раҳмати бўлсин, наслидандир. [Унинг] мазори Шовдор туманига карашли Тарлак (Тайлок) кишлоғида, баланд бир тепанинг устидадир. У хожа Убайдуллох Ахрорнинг муридларидан. Ушбу мазор билан Самарканд шахрининг ораси 2 тошлик [16 чакирим] йўл.

24. Хожа Орнф махтоб мазори. Шовдор туманида бўлган Панжшанба кишлоғида, Сияхоб аригининг яқинидадир. Унинг мазори билан шаҳар ораси 1 тошу 2 тошнинг учдан бири [16 чакирим] чамаси келади.

25. Хожа Закариё мазори. Шовдор туманига карашли Паси нав деган ўринда, Жумабозорга бориладиган катта йўлнинг жануб томонидадир. Хожанинг таржимаи холи белгилик эмас. Унинг мазори шаҳардан бир ярим тош келади. Бу факир хар йили бир бор ўша мавзеъдаги Хожа Закариё кабрининг зиёратига бориб дуо ижобат бўлиши асарини маълум қилган.

26. Хожа Кафшир мазори. Шовдор туманида бўлган Боринчак деган жойда, Самарканд шаҳри билан [унинг] ораси бир тошлик [8 чакирим] йўл.

27. Шайх Абдурахмон Дбрамий мазори<sup>207</sup>. У хадис айтувчилардан. Шавдор туманига карашли Испани кишлоғидадир, У Самарканд музофотидан бўлган, бурунларда Дорам деб аталадиган кишлоқдан бўлгани учун Дорамий деб донг чиқарган, Хозирда турклар ушбу мазор эгасини Пайгамбар суҳбатдошларидан бўлган Абдурахмон ибн Авф деб атайдиларким, янглишдир. Лекин Абдурахмон ибн Авфнинг мазори Мадинада Бокеъ кабрисонидадир. Дорамийнинг таржимаи холи белгилик эмас. Самарканд шаҳри билан у мазорнинг ораси тошу учдан бир [чакиримча] чамаси йўл.

28. Хожа Хасан ота мазори. Шовдор туманидан бўлган Кундузак деган жойда, Кўҳак дарёсининг ёқасида, баланд бир ўриндадир. Турклар бу мазорни Занги ота халифаси бўлган Усулук, Хасан отаникидир дейдилар. Лекин Усулук, Хасан ота мазорининг Тошкент музофотида эканлиги машхур. Хожа Хасан ота мазори билан Самарканд шахрининг ораси бир тош [8 чакирим] чамаси йўл бор.

29. Хазрат Хожа Сакко мазори. Шовдор туманида, Сакко деган жойда, баланд бир тепанинг кунботар томонида ва унинг остидадир. Ушбу тепа Амир Темур томонидан солдирилган Дилкушо богининг жануб томонида. Хожа Сакко Баҳо ва-д-дин Накшбанднинг халифаларидан бўлиб, унинг мазори билан шаҳарнинг ораси 3 чорак тош чамаси йўл.

30. Хожа Кўҳак мазори. Ушбу мазор Кўҳак дарёсининг яқинида, Шовдор туманидадир. Кўҳак тепаси устида бўлгани учун Кўҳак ота аталгандир.



31. Хожа Чўпон ота мозори. Кўхак тепасида, теварак атрофда ундан баландрок тепа йўк. Дерларким, [у] хазрат Саййид отанинг халифаларидан бўлиб, ушбу Кўхак тепасида чўпонлик килар экан. Баъзилар Чўпон отанинг мозори Хоразмда бўлиб, ушбу Кўхак тепаси устидаги мозор унинг кадамжойидир, дейдилар. Тўтриси шулким, Хоразмдаги Чўпон ота билан ушбу Чўпон ота бошка-бошка кишилардир. Ушбу мозор устидаги юксак иморатни Амир Темур кўрагон солдирган.
32. Бобо Назар ота мозори. Кўхак тепасининг шимолий этагида. Даре [Зарафшон] томонида. У худо йўлига берилганлардан экан.
33. Хожа чорукнўш мозори. Хожа чорук кишлогига, бурс деб аталадиган арча дарахтининг тагидадир. Таржимаи холи белгилик эмас.
34. Сўфи донишманд мозори. Шовдор туманида, Коратепа кишлогигадир. Мозорнинг тошида оти ёзилган. Унинг таржимаи холи тўгрисида олим шайх томонидан ёзилган. «Ламахот» китобида тугал маълумот бор.
35. Ифтихор шайх мозори. Шовдор туманида, Зормон кишлогига, у турк шайхларидан экан. Баъзилар бу ерни унинг кадам жойи деб билиб, жасади Навбог деган жойда, чинор дарахти остида кўмилган, дейдилар. Лекин аввалги сўз машхурдир. Яна Тангри яхши билади.
36. Имом ота мозори. Анхор туманида, ушбу отдан (Имом отадан) машхур бўлган ўриндир. Унинг таржимаи холи белгилик эмас. Соғонаси узунча тепага ўхшайди.
37. Хидоятхожа мажзуб мозори. Имом ота мозори ёнида, унинг кунчиқар томонида, баландликдадир. У 1244 [1828-29]да ўлган. Ушбу китобни ёзувчи у билан кўришиб, дуо олган эди.
38. Хазрат хожа Навбог мозори. Анхор туманида, шу ном билан аталган ўринда, тепанинг устида. Хожа Навбог эски шайхлардандир. Мозори гоятда файзли ва порлок нурлидир.
39. Хазрат мавлоно Хожаги Косоний мозори. Дахбедлик Махдуми Аъзам деб машхур бўлган мавлоно хожагийннинг асл юрти Фаргона вилоятига ва Андижонга карашли Косой кентигадир. У ўша ердан кўчиб [Самарканд музофотига карашли], Дахбед кишлогига келиб ўрнашди. Бу киши кутб ул-аброр хожа Убайдуллох Ахрориинг муриди бўлган хазрат мавлоно Мухаммад Козининг муриди эди. Хазрат Махдуми Аъзам жанобларининг макомот, холат ва кароматлари шундайким, бу нодоннинг калами уни тақрир ва тахрир қилишга ожизлик қилади. У кишининг макомотлари хақида машхур китоб бўлиб, унда ҳам у зотнинг холатла-ри қиска ёзилган. 949 йилда 21 мухаррам ойи душанба куни туш чоғида [1542 йили 6 май] «Иржаи розиятан марзия» 210 хитобини эшитиб, «Инно лиллохи ва инно Илайхи ражиун» билан жавоб берди [яъни] вафот этди. Ўлигини тириклик чоғида ўзи кўпинча қувониб ўтирадиган мурут дарахтининг остига кўмдилар. «Кутби олам рафт, вой» сўзи ўлимининг тарихидир. Самарканд шаҳри билан Дахбед ораси бир тош [8 чақиримлик] йўлдир. Самарканд шаҳрининг ичидаги Шердор ва Тиллокориё мадрасаси ва жомеъларнинг эгаси Ялантўшбий оталик дахбедликлар силсиласига дохил бўлиб, унинг ўгли шайх Хошимнинг муриди эди. Шунинг учун 1028 [1618-19] йилда Махдуми Аъзам мазорининг жануб томонида кенг ва юксак бир хонакох солдирдиким, [у бино] асил ва шарафли зотларнинг макоми ва барча хосу омнинг бориб турадиган мавзеъи эди, [ва уни] табаррук билиб, зиёрат қилар эдилар. Ялантўш баходирнинг қабри Махдуми Аъзамнинг оёғи остида, суфа остида, мазор деворининг ичидадир. Аммо ул хазрат мазорининг атрофидаги ихота қилинган иморат ва дарвозасига солинган равок биноти Мухаммад Нодир девонбеги орлот томонидан бино қилинган ва, шунингдек Дахбеднинг хиёбони ва тутзори ҳам ўша Мухаммад Нодир девонбеги тарафидан барпо

этилган. Хазрат Махдуми Аъзамнинг шарофатли ота-боболари тарикатининг ижодкори, замон кутби хазрат Мусохоннинг, ул кишига [Тангрининг] рахмати бўлсин, кабри ҳам ўз бобоси хазрат Махдуми Аъзам мазорининг супаси ўртасидадир. Самарканд ва унинг атрофида бўлган бузгунчилик ва вайронагарчилик вақтида хазрат Мусохон Хиндистон мамлакатига кетиб, унда хазрат Миён Мухаммад Обид соҳибга мурид бўлиб, хазрат Миён аждодларининг алфи соний тарикатини янгилади ва шариф боболарининг силсиласини давом этдирди. Деворнинг ташкариси, шарк тарафига яқин жанубий буржида хазрат Халифа Мухаммад Амин «Пири Дахбедий» номи билан машхур [киши]нинг мазори кичик бир супадир. Бу киши хазрат Мусохоннинг, унга Тангрининг рахмати бўлсин, муридидир. Бухоро подшоси, мўминлар амири жаноб саййид Амир Хайдар баходир у кишига кўл берган муридлари бўлган. Хазрат халифа [Мухаммад Амин] гоятда азиз ва табаррук киши бўлган. Бу халкадор куллари [яъни муал-лиф] хазрат Халифа Мухаммад муборак юзини кўриш шарафига мушарраф бўлиб, у киши жамолининг нурларидан тажалли олгандир.

Байт:

Хохи ки нури дидаи ахли жахон шави,  
Бояд губори домани дахбедиён шави.  
Пире ба чиллагохи лахад орамида аст,  
Гарди ба гирди маркади покаш жавон шави.

Мазмуни:

Жахон ахли кўзининг нури бўлишни истасанг,  
Дахбедийлар этагининг губори бўлгин.  
Лахад чиллахонасида ором олиб ётган пирнинг,  
Пок мазори атрофидан айлансанг ёшарасан.  
У кишининг макомат ва холотлари муфассал ёзилган «Силсилаи дахбедия» номли асар бу дебочанинг рокими тарафидан ёзилгандир. Ул кишининг кимлигини шу асардан билса бўлади.

40. Халифа Саддик, унга Тангрининг рахмати бўлсин, мазори. [У] Мусохожа халифаларидан, кабри Дахбед кишлогининг шимол чеккасида, боғлар орасидадир.

41. Хазрат имом Али Сугдий мазори. Офаринкент туманига карашли Кумушкент кишлогига. У Хасан ибн Шайх Мухаммад Сугдийнинг ўғлидир. Унинг замонасида Кумушкент кишлоги Сугди хурд деб аталар экан. Унинг силсиласи Хожа Ахмад Яссавийга туташ. Айтишларича, у киши Аби Хасан ал Кархий Багдодийнинг шогирди бўлган. Илм тахсилени Багдодда килган. Имом, халифанинг ўгли билан бирга Аби Хасан мажлисида хозир бўлган. Аби Хасан хар икковига куръа ташлашни буюради. «Куръа кимни номига чикса, ўша биринчи бўлиб сабоқ олади» дейди. Куръа имом номига чикди. Ханифанинг ўгли кўп маблаг бериб, биринчи навбатни беришни сўраса ҳам, имом кўнмай, биринчи навбатда сабоқ одди. «Сияри Кабир»га олий шарх ёзди. Бухорода кози эди. Умри тугаб вафот этди. Юкорида кўрсатилган макомга дафн этдилар. Хазрат Ямин бобо, Мавдуд Шайх, Шайх Али муриди ҳамда Ямин бобонинг муриди Шайх Али хар учовининг кабрлари ҳам Хазрати Имом мазоридадир. Бу учала азизлар турк машойхларидан бўлиб, силсилалари Хазрат Шайх Ахмад Яссавийга бориб етади. Хазрат Ахмад Яссавийнинг мазори Туркистон калъасининг ичида, Яссидадир.

42. Хазрат Мухлисхон мазори. Офаринкент тумонида, Совгончи деган жойдадир. У Косим шайх Азизон халифаларидан бўлиб, унинг силсиласи ҳам хазрат Хожа Ахмад Яссавийга етишади. Унинг зикри «Ламахот» китобидадир.

43. Имом Мухаммад ибн Исмоил Бухорий мозори. Сугди калон туманида, Хартанг деган ўриндадир. Шу мазорнинг сабабидан хозирда ўша кишлок «Хожа Исмоилий» номи билан машхурдир. Имом Мухаммаднинг мозори устида, унинг шимоли-шаркий тарафида унга якин бир ўринда бир масжид якинидадир. Самарканд шаҳридан Хартанг кишлоғига икки тош [16 чакирим]лик йўл. Имом Мухаммад («Сахеи Бухорий») китобининг муаллифидир. Бу китоб минг олти юз хадиснинг жамеъдир. 256 [870 йили 30 сентябрь]да рамазон хайитининг кечаси хуфтан намозидан кейин ўлди. Оғиз очар куни туш намозидан сўнг юкорида айтилмиш ўринда кўмилди. Унинг кабридан анча муддатгача мушқдан ҳам хушбўйроқ [ис] келиб турди, кейин йўқолиб кетди. Накл килишларича, Бухорода турган вақтда «икки ёш бола бир онани эмса, ўрталарида эмизаклик собит бўла-ди», деб фатво берган. Бухоро имомлари бунга эътироз билдириб, уни Бухородан сургун қилганлар. Самаркандга келгандан кейин, Самарканд уламолари ҳам унга қарши турдилар. Ночор Хартанг келиб турди. Шу ерда Хакк раҳматига восил бўлди.

Тажрибада кўрилганки, кимки «Сахеи Бухорий» китобини бошига кўйиб, шаҳар ва маҳаллаларни айланиб чикса, албатта ўша шаҳар ва маҳалла аҳлини офатлардан саклаб қолади. Илгарилари ҳам ҳар қачон Самарканд шаҳрига бирор офат келса, шаҳар хослари йигилиб дуо қилсалар дуолари ижобат бўлиб, у бало мусулмонлар бошидан дафъ бўларди. Кимки у кншининг табаррук мазорини зиёрат қилса, гарб мамлакатларда уни мутабаррак тутардилар. Тангрига ҳамд бўлсин, бу ҳарфлар роқими шармсор юзиини у киши остоналарига суртиб ва мазорларининг рўбарўсидаги хужрада бўлиб ниёзмандлик қилгонман, у кишига раҳмат ва жойи жаннатдан бўлсин.

44. Ҳазрати Нугой ота мозори. Шу ном билан аталадиган ўринда, Сугди калон туманида, Ҳазрати Хожа Исмоил Бухорий мазорининг якинида баланд бир тепа устидадир. У Нугой улусидан бўлиб, бу ерга келиб ўлган ва шунда кўмилган. Олим шайх Азизон халифаларидан эди.

45. Олим шайх Азизоннинг файз осор мазори Кабуд тумани деб аталадиган Шероз туманига қарашли Алиобод деган ўриндадир. Олим Шайх Азизон Дарвиш Шайх Азизоннинг ўғли бўлган Мўмин Азизоннинг ўғлидир. Она томондан бобоси Тошкент вилоятига қарашли Қуйлук деган ўринда бўлган мавлоно Хофиз Қуйлуқийдир. Олим шайх Азизон 972 [1564-65]да туғулгандир. Унинг пири Пирим Шайх Азизондир. У киши қарминалик Ҳазрат Қосим Шайх Азизоннинг муриди. Қосим Шайх Азизон бўлса Ҳазрат шайх Худойдод Азизоннинг [муриди] бўлган мавлоно Али Азизоннинг халифасидир. Буларнинг силсилалари тариқат султони Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавийга уланади. Ҳазрат Олим Шайх Азизон Имомқули Баходурхон даврида Самаркандда аълам эди ва у замонаси имом-ларининг имоми эди. У мирзо Улугбек мадрасасининг жануби-ғарбий тарафида олий хонакоҳ бино қилган. Хозирда у хонакоҳ қолмагандир. Ёшлари саксонга бориб қолгай эди. У жаҳрияи султония сулоласи баён қилинган «Ламахот» китобининг мусаннифи эди ва яна шиъа мазҳабининг раддига «Дар радди мазҳаби шиъа» номли рисола тартиб бериб, у рисолада чорёрлар улуглигини қучли далиллари билан исбот қилгай. [Унинг] вафоти хиж-ий 1041 [1631-32] йилида содир бўлиб, «фаҳр ул-ислом» сўзи вафотиининг таърихидир. У кишининг асрида Алиобод мавзеъи обод шаҳарча эди ва Ҳазрат эшон у ерга жомеъ масжиди, хонакоҳ ва Мадраса бино қилган эдилар. У биноларнинг асари хозирда ҳам бор.

46. Ҳазрат Мўмин Шайх Азизон мазори. Дарвиш Шайх Азизоннинг ўғли бўлган Мўмин Шайх Азизоннинг мазори ҳам Алиободда, қатта ариғнинг жануб томонидадир.

47. Пирим Шайх Азизон мозори. Алиобод якинида, Сайди оху деган ўринда. Самарканд шахридан Алиободгача уч тош [24 чакирим] чамаси йўл. Алиободдан Сайди охугача бир тошча йўл. Пирим Шайх Азизоннинг ўлими 1006 [1597-98]дадир. «Рафт хатми гавс» сўзи вафотининг таърих моддаси бўлиб, «рафт» сўзидаги «то» харфи чикариб ташланади, [чунки] «хатми гавс» шунга ишоратдир. У кишининг ахволоти «Ламахот» китобида муфассал баён килингани сабабли бу ерда максадимиз у кишининг ётган ерларини кўрсатиш билан кифояландик.

48. Хазрат Азизон Шайх Худойдод мозори. Шероз туманида, Газира деган ўриндадир. У Шайх Ходимнинг муриди бўлган, [у эса] Шайх Жамол уд-диннинг муриди эди. Шайх Ходимнинг кабри Самарканд шахрининг тошидадирким, юкорида кўрсатилди. У дахбедлик Махдуми Аъзамнинг замондошларидан эди. У киши валоят мартабасида гоятда юкори эдилар, балки тугаси «Увайсий» эканлиги мозорига зиёрат килинганда кабри сочган нурдан билинади. Азизон Шайх Худойдоднинг ўлими 939 [1532-33]дадир. «Бирафт кутби олам» вафотининг таърихидир220.

Жаноб сайидлар панохи, хушёрлик ила тўгри йўл кўрсатувчи Абд ул-Хайхожа судур у кишининг азиз авлодидандир. Хижрий 1232/1816-17 йили Абд ул-Хайхожа судур хазрат [Азизон шайх Худойдод]нинг мозорлари устига олий хонакох бино килдирди. Хозирда у ерда жумъа ва ийд намозлари ўкиладир. Улуг боболарнинг мозорига мутавалилик ва Газира шахарчасининг ҳукумати Абд ул-Хай хожага тегишлидир. Самарканддан Газира шахарчасига икки тош [16 чакирим]лик йўл. Хазрат [Худойдод Азизон] Шайх мозорининг зиёрати калбларга нур багишлайди. Бу сатрлар рокими у кишининг мозори зиёратига бориб баракот топди... Хижрий 1270 йили хайри сафар ойининг сўнги кунлари [1853 ноябрь ойининг охирлари] яна у кишининг мозори зиёратига мушарраф бўлди...

## ХОТИМА

Ушбу вилоят элига одоб ўргатиш ва ушбу китобга муносиб баъзи маълумот Мозорларнинг ўринлари кўрсатилганда, Самарканд шахри билан баъзи маҳалла ва кишлокларнинг узокликлари айтиб ўтилди. Энди ўзга шахарлар билан Самарканд орасида бўлган олисликларни бу киска китобда ёзишни муносиб кўрдик. Билмак керакким, Самарканддан Бухорогача 28 тош, Тошкентгача 30 тош, Туркистонгача 60 тош, Балхгача ҳам 60 тош, Маккагача 860 тош, Астрободгача 280 тош, Ямангача 1000 тош, Ўтроргача 75 тош, Кашкаргача 125 тош, Хитойгача 260 тош, Чин вилоятигача 300 тош, Хоразмгача 88 тошдир. Хар бир тош (фарсах-фарсанг) 12 минг газ, хар бир газ 24 бармок. хар бир бармок 6 арпа донасича ва бир арпа донаси от куйруги килининг еттитасичадир.